# АДИБНИНГ КАШФИЁТЛАРИ

*бадиа*

**Боши биринчи бетда.**

Улар янги тузилган Туркистон автоном республикасининг бошқарув органига ерли аҳоли вакилларидан бирор кишини киритмайдилар. Бу адолатсизлик ҳақида Москвага, Ленинга хабар юборилади. Ленин адолат ўрнатмоқчи бўлиб, П.Кобозев деган махсус комиссарини Тошкентга жўнатади. Бадиий филмларда муболаға қилиб мақталган П.Кобозев ҳам улуғ давлатчилик сиёсатини оқлайди, юксак минбардан туриб қуйидаги сўзларни айтади:

"Туркистон аҳолисининг 95 фоизини мусулмонлар ташкил қилади, аҳолининг фақат 5 фоизи руслардан иборат ва айнан шу 5 фоиз аҳоли бутун ҳокимиятни эгаллаб олган. Бу озчиликнинг миллий зўравонлиги. Лекин мусулмон дунёси ҳокимиятни бошқаришга тайёр эмас, тайёр бўлганда биз унга ҳокимиятни топширишимиз мумкин".

Дунёга Амир Темурдек, Бобур Мирзодек улуғ давлат арбобларини берган халқни бу даражада камситиб, "давлатни бошқара олмайди", деган уйдирмани тўқиб чиқариш яна ўша мустамлакачилик сиёсатини оқлаш учун керак эди. Буни нафрат билан ҳис қилган Чўлпон янги хўжайинларнинг камситишларини ҳақорат ва тубанлик деб атайди, уларнинг қиличлари синишини, кишанлари парчаланишини истайди.

"Қўзғалиш" деб аталган шеърида Чўлпон ўша ҳукмдорларга қарата қуйидаги оташин сўзларни айтади:

**Эй, сен мени ҳақир кўрган,**
**тубан деган афанди!**
**Эй! Устимда бир умрга**
**хўжа бўлмоқ истаган!**
**Кишанларинг занг босгандир,**
**сергак бўлким, узилур!**

Чўлпоннинг бу башорати XX асрнинг охирига келиб амалга ошди. Ўзбекистон истиқлолини, муҳтарам Юртбошимиз раҳбарлигида амалга оширилаётган ижтимоий, маданий-маърифий янгиланишларни бутун дунё тан олмоқда ва эътироф этмоқда. Халқимиз ўз давлатини ўзи бошқаришга қодир миллат эканини, мана, ўн беш йилдан буён исбот этиб келмоқда.

Чўлпон бағри кенг, байналмилал шоир эди. У жаҳондаги энг машҳур ижодкорларнинг асарларини севиб ўқир ва она тилимизга маҳорат билан таржима қилар эди. У таржима қилган Шекспир, Пушкин, Тагор асарларини ўзбек китобхонлари ҳанузгача завқ билан ўқийди. Янги шеърий шакллар кашф этишда ўша даврда Чўлпонга тенг келадиган шоир йўқ эди. Бугун "модерн" деб аталадиган шеъриятнинг энг ёрқин намуналарини Чўлпон ўтган асрнинг йигирманчи йилларидаёқ қойил қилиб яратиб кетган эди.

Бунга бир мисол тарзида унинг "Ваҳм" деб аталадиган шеърини кўриб чиқайлик. Бу шеър 1924 йилда Қўқонда ёзилган. У даврда қонли тўқнашувлар ва қатағонлар ҳали давом этмоқда эди. Шунинг учундир, кечаси айвон қаршисида қорайиб турган арча остида ёмон бир хатар яшириниб тургандек шоирнинг ваҳмини келтиради:

**Кечаси ойдинда,**
**ойнинг ҳам хироқ вақтида**
**На учун кўзимга ҳайбатли кўриндинг,**
**Эй, менинг айвоним олдида тек турган**
**Биргина туп арча?**
**Кейинча юзингта ой нури оқида**
**Бутунлай бошқа хил касвага бурундинг**
**Юзингта тикилиб индамай тек турган**
**Кўзимга нималар гапирдинг яширинча?**

Шу ерда бир тўхтаб, келтирилган саккиз сатрни таҳлил қилиб кўрайлик. Арча билан юзма-юз турган шоир ўз ички туғёни ва нотинч замона зайли сабабли қоронғуликда арчадан сесканади. Ой ёруғ нур соча бошлагандан сўнг арча бутунлай бошқа — жозибали тус олади, шоирдаги ваҳм йўқолади. Энди у арчага завқ билан тикилади. Шоир хаёлан арча билан сўзлашгиси келади. Арча унга яширинча нимадир дегандай бўлади.

Бу — эркин шеър. Шунинг учун қофиялар гоҳ сатр охирида, гоҳ бошида келади. Ҳар сафар қофия орқали энг кучли бир туйғу ифодаланади. Бу ҳаммаси янгилик ва бадиий кашфиёт эди. Ваҳмдан қутилган шоирнинг қалби гўзаллик туйғусига тўлиб боради. У ўзининг илиқ меҳри билан бутун борлиқни қамраб олгиси келади. Шеър шундай давом этади:

**Ёлғизсан, бир тупсан ойдин кеча қўйнида**
**Боғимда, эй арча!**
**Лекин мен борлиқнинг тамомий шаклини**
**Юзингда кўрдим-ку шу кеча!**
**Бир тупсан, ёлғизсан, яккасан шу боғда**
**Ерости устида бор қадар арчалар бирлашди**
**Сен билан шу чоқда, шу чоқда!**

Шоир туйғуларининг шеърдаги йўналиши ажойиб. Бу ерда онг оқими бор. Совуқ ваҳмдан илиқ меҳрга томон ўзгариб, оқиб бораётган туйғулар ўз кучи билан ёлғизгина мунғайиб турган арчани дунёда бор бўлган барча арчалар билан бирлаштиради ва дўст қилади. Чунки шоир шу ойдин арча қиёфасида борлиқнинг тамомий шаклини кўргандай бўлади ва қалби гўзалликдан яйрайди.

Қанийди, бугунги "модерн" деб аталадиган шеърлар ҳам Чўлпоннинг мана шу шеъридек теран маъноларга ва жўшқин туйғуларга бой бўлса, ҳозирги модерн шоирларимиз ҳам, қанийди, она тилимиз бойликларини Чўлпондай маҳорат билан турли гўзал шаклларга сола билса! Мен шахсан шу шеърни биринчи марта 1956 йилда ўқиганимда ёд олган эдим. Мана, эллик йилдан буён уни ўзимча ёддан айтсам, Шекспир асарларидан монолог айтгандай завқ оламан.

Шоирнинг "Гўзал" шеъридаги маънавий изланишлар романтик тасаввурларга чулғанган. Шу каби самовий оҳанглар Чўлпон ёш шоирлик пайтида ёзган шеърларида кўп учрайди. Бу табиий, чунки ёшликда романтика кучли бўлади. Лекин Чўлпоннинг мухолифлари унинг "Тонг сирлари" китобида босилган реалистик асарларга ҳам ўша эски қолип билан ёндашадилар, "Чўлпон нуқул кўкни, осмонни ўйлайди", деб киноя қиладилар.

Чўлпон бу асоссиз кинояларга "Янглишасиз" деб аталган тўрт сатрлик ўткир шеър билан жавоб беради:

**Сиз дейсизким, мен кўкларни ўйлайман,**
**Ер бетига сира назар солмайман!**
**Янглишасиз, мен кўкларга бурканган**
**Ер қизидан хаёлимни олмайман.**

Чўлпон ижодига танқидчилар бера олмаган энг теран ва ҳаққоний талқинни унинг ўзи беради. Шоир чиндан ҳам юксак ғоялар оғушида яшайди, бу ғоялар кўкларга бурканган юлдузлардай пок ва жозибали. Айни вақтда, шоир ўша кўклардаги поклик, озодлик ва жозибаликни ердан ҳам излайди, аммо шафқатсиз замонада ўз излаганини тополмай дард чекади. Биз бу дардни шоирнинг 1924 йилда ёзилган ва илк бор "Маориф ва ўқитғувчи" журналида чоп этилган "Исташ" шеърида юракдан ҳис қиламиз. Сарлавҳадаги "Исташ" сўзининг "изланиш" деган маъноси борлигини шоир қавс ичида "искание" деб ёзилган русча сўз билан ифодалайди.

Бу шеър ёзилган йигирманчи йилларда ҳаётда ҳам, тил ва адабиётда ҳам турли изланишлар жараёни жуда кучайган эди. Масалан, шеърият соҳасида аруздан воз кечиб, фақат халқчил бармоқ вазнида шеър ёзишни тарғиб қилувчилар кўп эди. Улар "арузнинг узун-қисқа товушлари арабча, форсча сўзларни кўп ишлатишни талаб қилади, қисқа унли товушлари кўп бўлган ўзбек тили эса аруз вазни талабларига жавоб бермайди", деган мунозарали фикр билдиришарди.

Чўлпон эса "Исташ" шеърида арузнинг энг мураккаб шаклларидан бўлган мустаҳзод вазнида соф ўзбек сўзларидан таркиб топган қуйидаги ажойиб шеърни яратади:

**Кўнглимга яқин нарсани излаб кеча-кундуз**
**Ҳар ёққа қарайман.**
**Тонг пайтида нур тўкувчи ёлғизгина юлдуз**
**Дейди-ки, у менман.**
**Мен унга ишонмоқчи бўлиб ўйнатаман кўз**
**У ҳам кула бошлар.**
**Шул чоқда деворлар ичидан қайғули бир қиз**
**Йиғлаб кела бошлар**
**Ул мунда, ёвуқда, шу учун тез бурулиб мен:**
**"Ҳой, ер қизи!" дейман.**
**Кўнглимга яқин юлдуз эмас, бошқа эмас сен,**
**Ер юлдузи дейман.**
**Бу сўзни эшиттач қочадир кўкдаги юлдуз**
**Албатта, аразлаб.**
**Ҳам жим бўладир бечора ғариб қиз**
**Гўр оғзини излаб.**
**Кўк юлдузи изсиз эди, ер юлдузи кучсиз,**
**Ҳар иккиси кетди.**
**Кўнглимга яқин нарсани излаб кеча-кундуз**
**Ой-йилларим ўтди.**

Бу шеър ғазал жанрига кирмайди, чунки ҳар байти алоҳида қофияланадиган маснавий шаклида ёзилган. Она тилимизнинг софлиги ва бойлиги Чўлпоннинг бу шеърида тенгсиз бир маҳорат билан намойиш қилинади. Аруз вазнидаги бу шеър бошдан охиригача фақат ўзбек сўзларидан таркиб топган. Демак, она тилимиз арузнинг барча талабларига жавоб берадиган даражада бой ва қудратли экани Чўлпон шеърида исбот этилган. Энг муҳими шуки, шоир ушбу бадиий тил воситасида жуда теран фалсафий фикрларни ифода эта олган.

Маънавий ҳаёт кечирадиган ҳар бир инсон кўнглига яқин нарсани излайди. Шоир энг аввал тонг пайтида порлаб турадиган юлдузга кўнгил беради, меҳр кўзини шу юлдузга тикади. Юлдуз ҳам унга кулиб боққандай бўлади. Шу пайт деворлар ичидан қайғули бир қиз йиғлаб кела бошлайди. Раҳм-шафқатли шоир ўз дилига шу қиз яқинроқ эканлигини ҳис қилади ва буни унга айтади. Ўша даврда паранжи ва ичкари асоратида яшайдиган қиз жавобсиз жим қолади. Кўкдаги юлдуз эса шоирдан гўё аразлаб қочади. Албатта, бу ҳазил чиройли бир табассум билан айтилади. Мазлума қиз эса йигит кишидан юзини яшириб, пахса девор ортига қочиб кириб кетади.

Шундан кейин келадиган хулосавий байтда шоирнинг ўша даврдаги ҳолатини реалистик тарзда акс эттирувчи фалсафий фикр айтилади. Яъни кўк юлдузи изсиз, ер юлдузи кучсиз бўлгани учун ҳар иккиси ҳам кетади. Шоир эса ойлар-йиллар давомида ўз кўнглига яқин нарсани тополмай беҳаловат ҳаёт кечиради.

Саксон бир йил муқаддам айтилган бу фалсафий фикр ҳозир ҳам фалсафий ҳаёт кечирадиган ва кўнглига яқин нарсани излаб яшайдиган одамларга бадиий завқ ва маънавий мадад беради.

Чўлпон ижодининг умрбоқийлиги ва бугунги авлодлар қалбига яқинлиги унинг насрий асарларида, жумладан, "Қор қўйнида лола" асарида ҳам кўзга ташланади. Ёш ўзбек кинематографчилари бу ҳикоя асосида алоҳида филм яратганликлари ва бу филм ўзбек кино санъатига обрў келтириб, Франциянинг Канн шаҳрида бўлган халқаро кинофестивалда намойиш этилганлиги бежиз эмас. 1923 йилда биринчи марта чоп этилган "Қор қўйнида лола" ҳикояси ҳанузгача ҳар бир ўқувчи қалбида янгича ҳис-ҳаяжон уйғотади.

Ҳикоянинг асосий иштирокчилари шўро тузумининг шафқатсиз сиёсати туфайли мол-мулкидан айрилган Самандар сўфи ва унга гўё ён босиб тасалли бериб турган, аслида эса дин ниқоби остида ўз ғаразли ниятини амалга оширган эшон. У Самандар сўфининг ҳали вояга етмаган ёшгина қизи Шарофатни иккинчи хотин қилиб никоҳлаб олади. Чўлпон бу ҳодисаларни тасвирлашда она тилимиз бойликларидан маҳорат билан фойдаланади. Ҳикоядаги миллий ўзига хослик халқимиз минг йиллар давомида яратган гўзал сўз ва ибораларнинг ранг-баранглигида, "теша тегмаганлиги" ва таъсирчанлигида кўзга ташланади.

Самандар сўфининг қиёфаси қисқа ва лўнда иборалар ёрдамида гавдалантириб берилган кичик бир лавҳани мисолга олайлик:

"*Шунча оғирчилик йилларда, қиймат-касод вақтларда ишини тарақлатиб* келиб, ахийри ўтган йили эрта баҳорда синган, бор-будини қарзга сотиб бергандан кейин жуда... *сўфи бўлиб, эшонларникида ўралашиб қолган* эди. Ўша ердан *шомлатиб* уйига келар, *бир қошиқ қуюқ-суюғи бўлса тотиниб,* малла жойнамознинг устига чиқиб ўлтириб... то ярим кеча саҳаргача *хўнгир-хўнгир* йиғлар эди".

Биз тагига чизган сўз ва иборалар жонли тилимизнинг Андижон томонларда кўп учрайдиган ажойиб намуналаридир. "Оғирчилик йиллари" деган ибора билан оддий кишилар очлик, касаллик, нотинчлик даврини ифодалайдилар. "Қиймат-касод вақтлари" деган қисқа жумла ҳам халқ тилида теран маънони билдиради. Самандар сўфининг ишлари аввал жуда ривожда бўлгани яна ўша оддий халқ вакилларининг ўткир ва образли тили билан "ишини тарақлатиб" келиб... кейин "сингани" тарзида айтилади. Бу ердаги "тарақлаш" ва "синиш" савдогар одамнинг қиёфасини кўрсатадиган таъсирли сўзлардир. Синган савдогарнинг эшондан паноҳ излаб, динга берилиб кетиши "Сўфи бўлиб... эшонларникида чувалашиб қолган эди" деб кўрсатилади. Одатда хаёл чувалашади. Аммо синган савдогарнинг хаёлга берилиб, тушкунликка тушиб, эшоннинг даргоҳида эрта-кеч судралиб юришини мана шу "чувалашиб" сўзи жуда аниқ ифодалайди. Унинг кеч бўлганда уйга қайтиши биргина "шомлатиб" сўзи билан берилгани, овқатланиши "бир қошиқ қуюқ-суюғи бўлса тотиниб" деган ибора билан ифодалангани, йиғлаши эса "хўнгир-хўнгир" деган сўзлар билан жонлантирилиши миллий тил бойликларидан самарали фойдаланишнинг ёрқин мисолларидир. Муаллиф Самандар сўфига ачингандай бўлса ҳам, бироқ унинг тақводорлигини, қари эшонга ёшгина қизини бериб ноинсофлик қилганини қоралайди. Авторнинг меҳри мазлума қиз Шарофатхон томонда экани ҳикоянинг бошидан охиригача сезилиб туради.

Шарофатхон эшонга мажбуран узатилган куни кечаси икки йигит кўчада сўзлашиб келади:

"— Отасининг уйи куйсин, одам эмас экан.

— *Соқолини оппоқ тутадек қилиб, эшонбува неварасидек бир қизни аравадан тушуриб олишини қара".*

Қоровул чол бу гапга қўшилади:

" — Нимасини айтасиз, йигитлар. Дунё шунақа тескари дунё экан. Лоланинг устига қор ёғди-да".

Чўлпон ҳикоясининг сарлавҳасига чиқарган "Қор қўйнида лола" иборасида шоирона руҳ бор. Фақат бу руҳни Чўлпон ҳаётдан олади. Қоровул чолнинг содда тил билан айтган "Лоланинг устига қор ёғди-да" деган сўзлари шоир қалами билан сайқал топиб ихчамлашади ва теран маъноли рамзий образга айланади.

Чўлпон кўп қиррали истеъдод соҳиби эди. Бу ҳолни биз, айниқса, унинг "Кеча ва кундуз" романида аниқ кўрамиз. Бу роман Чўлпоннинг маънавий изланишларини янги бир босқичга кўтаради. Адиб чоризм мустамлакачиларининг чириб емирилаётган идора усулларини Акбарали мингбоши ва унга буйруқ бериб турган мустамлакачи ҳоким образлари орқали кўрсатади. Романда жадидларнинг миллий мустақиллик йўлидаги тараққийпарварлик ғоялари олға сурилади. "Кеча ва кундуз" босилиб чиққан 1936-1937 йилларда Сталин қатағонлари авжида эди. Шу шароитда Чўлпон ўз романида илғор жадидлар томонидан айтилган қуйидаги ғояларга хайрихоҳлик билдиради:

*"Завод сол, фабрика оч, миллий саноатни ривожлантириб, болаларингни чел эллардаги энг яхши институтларда ўқит, аммо аввал болани миллий мактабда ўқитиб, ўз миллатини унга танит, миллий ҳиссини ўстир";* деган фикрларни ўз романида тарғиб қилгани – Чўлпон ўз умрининг охиригача довюрак, миллатпарвар шоир бўлиб қолганидан далолат беради.

Бу асар ҳам Чўлпоннинг олижаноб маънавий изланишлари ва ўлмас бадиий кашфиётлари учун асос бўлиб хизмат қилади. Романда, айниқса, Зебихон, Энахон каби ўзбек аёллари образлари шоирона завқ билан ёрқин бадиий тил воситасида тасвир этилади. Бу ўзбек қизларининг дилларида кишини мафтун қиладиган нафосат, назокат, қувноқлик ва шеърий бир гўзаллик борки, мана шу фазилатлар уларнинг тилларини ҳам гўзал қилади. Зеби дугоналари билан кечаси аравада қишлоққа кетаётганда "энг ёруғ бир юлдуз пиёз тўғраётган келинчакнинг кўзларидай пилпиллаб ёнар эди" дейилади. Бу чиройли истиора, айниқса, жонли тилга мос "пилпиллаб" сўзи гўзал тунни кўз олдимизда аниқ гавдалантиради, аравада кетаётган ёшларнинг завқли ҳисларига ҳам жуда мос тушади. *"Аравакаш йигит Ўлмасжон секин ашула бошлайди.*



*Қумри деган қиз:*

— Бормисиз Ўлмасжон! — деди. — Шундай яхши овозингиз бор экан, шўхшўх айтмайсизми? Кенг талада қанча чўзсангиз кетади шунча варанглаб"...

Бу сўзлар шаддод бир қизнинг тилидан айтилаётгани сезилиб турибди. "Далада" сўзининг "талада" дейилишида бу қизнинг Фарғона водийсидан, янада аниқроқ айтсак, Андижон томонлардан эканини билдиради. Сўнгги жумлада урғу охирги "варанглаб" сўзига тушади. Бу сўз олдин келтирилган "пилпиллаб" сўзи сингари ёрқин бир манзарани кўз ўнгида гавдалантира оладиган нодир халқ сўзларидандир. Зеби ҳам ашула айта бошлайди. Унинг овози кишини қанчалик мафтун қилиши романда шундай тасвирланади:

"Далаларнинг кенг қучоқларидан учишиб келган майин шабадалар қиз оғзидан чиққан унларни ўз қанотларига миндириб, аллақайларга олиб кетардилар. Ҳо йироқларда милтираб кўринган қишлоқ чироқлари ҳам, тепадаги юлдузлар сингари, чиройлик унларнинг завқи билан маст чайқалардилар".

Ашула таъсирида шабаданинг майин қанотлари бордек туюлади. Ашула товуши "қиз оғзидан чиққан унлар" деган ибора билан шабада қанотига минадиган даражада жонлантирилади. Аслида ашула унларини шабадалар эмас, эшитувчилар шунчалик суйиб ардоқлайдилар. Чиройлик унларнинг завқига маст бўлиб чайқалаётганлар – осмондаги юлдузлар эмас, йироқдаги милтираётган қишлоқ чироқлари ҳам эмас, балки ашула эшитаётганларнинг ўзлари. Бироқ киши завқ ва ҳаяжон билан атрофга қараганда, унинг кўзига тунги шабада ҳам аниқ кўринаётгандай бўлади, юлдузлар ҳам унга қўшилиб, завқдан чайқалаётгандай туюлади.

Чўлпон бутун умри давомида виждон амри билан ижод қилган жасур ва оққўнгил сиймо эди. Бу ҳақда шоирнинг ўзи 1922 йилда ёзилган "Виждон эрки" номли шеърида шундай дейди:

**Ай тутқунлар, ай эзилган**
**Ай қийналган йўқсил эллар!**
**Ай эрк учун оворалар,**
**Кўп ялинманг сиз уларга!**

* * *

**Зулм олдида ҳар бир нарса**
**Эҳтимолки бўйин эгар.**
**Агар зулм авжга келса**
**Кўк боши-да ерга тегар.**

* * *

**Ҳайвонларга, инсонларга**
**Золим эга бўлмай қолмас.**
**Фақат эркин виждонларга**
**Эга бўлмоқ мумкин эмас!**

Образли тафаккурнинг кучини қарангки, зулм авжига келганда кўк (осмон) боши ҳам ерга тегиши мумкин, аммо эркин виждонларни ҳар қандай золим эгиб, букиб ўзига қул қила олмайди! Чунки эркин виждон, эътиқод ва ҳақлик туйғуси Ҳақ-таоло паноҳида бўлади.

Айтиш мумкинки, Чўлпоннинг маънавий изланишлари ундаги виждон эркинлигига, ҳақлик туйғусига, покиза иймон ва эътиқодга асосланади.

Чўлпон инсонга бир марта бериладиган ҳаётни пок виждон билан мардона яшаб ўтди. Ёвуз душманлар улуғ шоирни қирқ бир ёшида шафқатсизларча отиб ўлдирадилар.

Аммо унинг иккинчи умри мангуликка дахлдордир.

Чўлпон номи ва ижоди у орзу қилган истиқлол даврида юксак эъзозларга сазовор бўлди. Унинг ижодий кашфиётлари адабиётимизнинг олтин хазинасидан абадий ўрин олди.



# ЛОЙИҲА ХОМ БЎЛСА...

**Боши биринчи бетда.**

Токи шундай экан, бу уйларда яшовчи аҳоли пахта, зиғир ёғини доғлаб, ҳафтасига бир-икки марта палов дамлар экан, токи меҳмонлар, узоқ-яқин қариндошлар, жияну жиянчалар, ғарбдагидек, меҳмонхонада эмас, шу уйда тунаб қолишар экан, бу муаммоларни бир йўла — лойиҳанинг ўзида ҳал қилса бўлмайдими? Ошхонани аввалдан айвон томонга жойлаштириш мумкин эмасми? Меҳмонлар ювинадиган алоҳида заруратхонани режага киритишнинг нима қийинчилиги бор? Маҳаллий шароитда цемент пол устида юриб бўлмасликни лойиҳачилар наҳотки билмайдилар?

Қизиғи шундаки, улар бу нарсаларни сизу биздан кўра яхши билишади. Бугун қуриб битказишгани билан, аҳоли эртагаёқ девордан ташқари ҳамма нарсани бузиб, бошқатдан янгилашини ҳам билишади. Шу боис, ишни сифатсиз, чала-чулпа битириб кетишаверади. Янги уйга кўчиб киришингиз билан бошингиз деворга теккандай бўлади — деразаларни зичлаб ёпишнинг иложи йўқ, трубалардан чакиллаб сув оқиб ётибди. Электр чироқлари рисоладагидек ўрнатилмаган...

Яна бир муаммо якка тартибда уй-жой қурилишида кўзга ташланади. Юқорида айтиб ўтганимиздек, бундай қурилишларнинг кўпи, айниқса, хусусий корхона, ошхона бинолари лойиҳасиз, экстремал ҳолатлар эҳтимолини, бу борадаги прогнозларни ҳисобга олмай қурилмоқда. Шу мавзуга бағишланган йиғилишлардан бирида келтирилган маълумотларга кўра, баъзи уддабуронлар тагидан иссиқ, совуқ сув, газ қувурлари, алоқа кабеллари ўтган, қурилиш ишларини олиб бориш мутлақо мумкин бўлмаган жойларни ҳам ўзлаштирмоқдалар. Бу нарса қандай кўнгилсиз оқибатларга олиб келишини яқинда Москва метросида юз берган фалокатдан ҳам билса бўлади-ку.

Шаҳарсозлик ва қурилишни лойиҳалаш муаммолари билан шуғулланувчи ташкилотлар бундай кўнгилсизликларнинг олдини олиш мақсадида якка тартибда уй-жой қурилишига яқиндан ёрдам кўрсатишлари, хусусан, ҳар жиҳатдан қулай, ихчам ва арзон, халқимизнинг турмуш тарзига мос келадиган хил-ма-хил лойиҳалар вариантларини тайёрлаб беришлари, уй-жой қурувчиларга тегишли маслаҳат ва йўл-йўриқ кўрсатиб туришлари зарур эмасми?! Янгидан қад ростлаётган уй-жой массивларида тегишли тушунтириш ишларини олиб бориш, йўл қўйилаётган камчилик ва нуқсонларнинг олдини олиш имконини беради. Шундай қилинса, бугун битган уйни, бино ёки хусусий ошхонани эртага гумбурлатиб, чанг-тўзон кўтариб бузишга ёки қайта таъмирлашга ҳожат қолмайди.

# ТУГАРЛИКЛАРГА ТУҲФА

"Жазирамадаги одамлар" истеъдодли адиб Луқмон Бўрихоннинг илк романи. Асар китоб ҳолида чоп этилгач, кўплаб мунаққидлар ва кенг жамоатчиликнинг эътиборини тортди. Китоб мазмунан қизиқарлилиги ва бадиий савияси мукаммаллиги билан китобхонлар ўртасида қизғин баҳс-мунозараларга сабаб бўлмоқда.

Яқинда ёзувчи туғилиб ўсган Ғузор тумани Тугар қишлоғидаги жаҳон тилларига ихтисослашган мактаб-интернатида "Жазирамадаги одамлар" ва "Сирли муаллим" асарлари муаллифи билан учрашув бўлиб ўтди. Тадбирни туман халқ таълими бўлими мудири Х.Нуриддинов очиб, бундай мазмундаги учрашувлар туманда тез-тез ўтказилаётгани, бунинг самараси ўлароқ ёш китобсеварларнинг адабиётга бўлган меҳри ортиб бораётгани ҳақида сўзлади.

Ёзувчига ҳамроҳ бўлиб келган адабиётшунос олим Қозоқбой Йўлдошев, таниқли шоирлар Азим Суюн, Турсун Али ҳар икки асар бўйича ўз фикр-мулоҳазалари билан ўртоқлашдилар.

Шундан сўнг мактаб-интернат мураббий ва ўқувчилари адиб билан унинг янги асарлари юзасидан бевосита мулоқотга киришдилар. Ҳар икки асардаги қаҳрамонлар, тасвирланган манзаралар, хуллас, бутун воқеаларнинг таниш-қадрдон эканлиги, ҳаётга яқинлиги учрашув иштирокчиларида жиддий қизиқиш уйғотди.

Учрашув сўнгида ушбу ўқув маскани кутубхонасига мазкур янги китоблардан туҳфа қилинди.

**Авазбек ЭРМАТОВ**

# МАРҲАМАТЛИ УСТОЗ

*Ёднома*



Ўтган асрнинг 70-йиллари эди. Ўшанда мен кичик-кичик мақолаларим билан "Ўзбекистон хотин-қизлари" журнали, "Совет Ўзбекистони" ва "Тошкент оқшоми" газеталарида қатнашиб турардим. Бир куни "Тошкент оқшоми" газетасига "Бўстонларга айланган чўллар" сарлавҳали мақоламни олиб бордим. Бўлим мудири мақолани ўқиб чиқиб, маъқуллаб олиб қолди. Эртасига ишхонамга телефон қилиб, бош муҳаррир сўраётганини айтди.

— Тинчликми? — дедим хавотирланиб, чунки ўша пайтларда цензура кучли бўлиб, қилдан қийиқ ахтарилларди.

— Тинчлик, тинчлик, — деди бўлим мудири. — Бизда бош муҳаррир муаллифни сўраса, фақат яхшиликка сўрайди. Ҳозир кела оласизми?

— Ҳа, албатта, бораман.

"Тошкент оқшоми" таҳририяти ишхонамга яқин эди, ўн дақиқа ўтмаёқ етиб бордим, аммо юрагим ҳамон хавотирда эди.

Эшигига "Бош муҳаррир Саъдулла Кароматов" деб ёзилган хона эшиги очиқ, тўрда бир киши ниманидир диққат билан ўқиб ўтирарди. Котиба қиз кираверинг, деб имлади. Мен очиқ эшикка юзланиб, секин йўталиб қўйдим. Аммо йўталимни ўзим ҳам эшитмадим, шундай бўлса-да, эшитмадилар шекилли деб:

— Ассалому алайкум, — дедим овозимни бироз кўтариб.

У киши овозимдан чўчиб тушиб, саломимга алик ҳам олмасдан менга қошларини чимириб, шундай норози қиёфада қарадиларки, бир зум эсанкираб нима қиларимни билмай қолдим.

— Мен, мен, ҳалиги Эргашхўжаева бўламан, чақиртирган экансиз, шунга...

У киши бироз юмшагандай бўлди ва кулимсираб:

— Э, шундай демайсизми, одамни чўчитиб юбордингиз-ку. Қани, марҳамат келинг, ўтиринг, мен мақолангизни ўқиб ўтиргандим. Тилингиз анча пишиқ ва равон, чўлларнинг бўстонга айланаётганини ишончли кўрсатибсиз. Қобилиятингиз борлиги шундоқ кўриниб турибди, аммо мақолангизни қайта-қайта кўриб чиқишдан эринманг, сўзларни такрорламасликка ҳаракат қилинг. Кўпроқ ёзиб, машқ қилиб борсангиз сиздан яхши журналист чиқиши мумкин, мен бунга ишонаман. Бизга ёш талантлар жуда керак. Шу мақсадда муаллифлар кунини ташкил қилмоқчимиз. Сиз ҳам, албатта, қатнашинг, муҳокама, мунозара, фикр алмашувлар интеллектуал салоҳиятингизнинг ўсишига туртки бўлади, буни унутманг, — деганди.

Саъдулла Кароматовдай адабиётда ўз нуқтаи назари ва услубига эга нозиктаъб адибнинг менинг кичик бир мақоламда қобилиятимни пайқагани, эринмай ўқиб, сўроқлаб, сиздан яхши журналист чиқиши мумкин, дея ишонч билдиргани менга қанот бағишлаганди ўшанда. Мана шу икки оғиз далда кейинчалик ҳаётимда жиддий бурилиш ясаган, яшаш тарзимни ўзгартирган ва ижод менинг доимий ҳамроҳимга айланган эди.

Шундан кейин ёзган мақолаларим устида қайта-қайта ишлайдиган, маромига етмагунча олти-етти марта тузатиб кўчирадиган бўлдим. Устознинг "Инсон учун энг муҳими — ўз йўлини топиш, ўз ўрнини билиш ва ўз эътиқодига эга бўлиш. Бу кишининг ўзлигини топиши демакдир", деган ўгитлари мени ўз дунёқарашим, ўзимнинг фикр-мулоҳазаларимга эга бўлишга ўргатди. Мен у кишидан журналистиканинг ўзига хос нозик ва мураккаб сирларини, заҳмат ва машаққатларини, чидам билан меҳнат қилишни ва энг асосийси, ҳар қандай шароитда ҳам ҳақиқатни ёзишни ўргандим. Орадан бир неча йил ўтиб, Саъдулла Кароматовнинг ўзи мени Журналистлар уюшмасига тавсия этганда бошим осмонга етгудек қувонганман.

Дарҳақиқат, биз 70-80 йилларда журналистика соҳасига энди кириб келаётган ёшлар Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, таниқли журналист ва ёзувчи Саъдулла Кароматовнинг "Амунинг зар кокиллари", "Кумуш камар", "Гўзаллик рамзи" очерклари, тўпламлари, "Тоғлар табассуми", бир муҳаббат фожеаси ҳақидаги "Бир томчи қон", уруш машаққатларидан ҳикоя қилувчи "Эътиқод" номли қиссалари ҳамда олтин изловчилар ҳаёти тасвирланган "Олтин қум" ва чўлларни ўзлаштирганларга бағишланган "Сўнгги бархан" романларини ўқиб, очеркнавислик ва ҳикоянавислик сир-асрорларини ўргандик. Бугун мен ўзимни Саъдулла Кароматов ижодидан илк сабоқ олган шогирдлардан бириман, деб баралла айта оламан. Устоз кўмаги туфайли журналистикага уйғонган ҳавас илмий соҳадаги изланишларимда, фан номзоди бўлишимда менга жуда катта ёрдам берди. Дарҳақиқат, муҳтарам Президентимиз айтганларидек, "Йиллар, замонлар ўтади, балки бугун содир бўлган кўп воқеа ва ҳодисалар хаёлимиздан кўтарилиши мумкин. Лекин яхшилик, олижаноблик ва меҳр-оқибат ҳеч қачон унутилмайди."

Ҳа, кўпларга устозлик қилган С.Кароматов ўз касбига, бурчига садоқатли, фарзандларига, ходимлари, шогирдларига қаттиққўл ва айни пайтда меҳрибон маслаҳатгўй эди. Бундай олижаноб инсонлар ҳамиша қалбимизда яшайди. Чунки С.Кароматовнинг саъй-ҳаракатлари туфайли талай ходимлар уйли-жойли, ишли бўлганлар, ҳатто нотаниш кишилар ҳам ёрдам сўраб келишганида устознинг адолатли қаламидан кўмак топганлар. Эзгу ишларга ҳамиша вақт ва сабр-бардош топа олган марҳаматли устозлар ёди ҳеч қачон унутилмайди. Атоқли шоирамиз Зулфиябегим айтганидек, устозлар теран илдизу, биз шогирдлари улардан қувват олиб, кўкарган дарахтлармиз.

**Гулпошша ЭРГАШХЎЖАЕВА,**
**тарих фанлари номзоди**

Сайёра САМАНДАРОВА

# СИЗНИ СЕВИБ МУҲТАШАМ БЎЛДИМ



* * *

*Мен сўз айтмоқликка чоғландим,*
*Тангрим,*
*Сўзнинг йўлларига боғландим,*
*Тангрим!*
*Қандай топгайман лек ул*
*буюк Сўзни,*
*Минглаб каломларнинг аролиғинда?*
*Гарчи ул жисмимда, жоним ичинда,*
*Гарчи ул кўзларим қаролиғинда?*
*Уни топмоқ учун қайга йўл солай,*
*Унга етмоқ учун қайдан куч олай?*
*Балки Сўз бўлмас у, бир олов бўлар,*
*Балки фарёд бўлар, нолалар бўлар?*
*Ва ё алвон юрагимда оғриқлар чекиб,*
*Тўлғониб очилган лолалар бўлар?*
*Унга етгунимча тўкилмасам, бас,*
*Айтиб бўлгунимча сўкилмасам, бас!*

* * *

*Ким дунё изидан*
*чопди саргардон,*
*Ниманидир топди,*
*нени йўқотиб.*
*Мен-чи, сокин бўлдим,*
*осуда бўлдим,*
*Ишқи бор кўнглимни*
*асраб, авайлаб.*
*Дунё сўрамадим,*
*сўрамадим зар,*
*Мен Сизни*
*жимгина*
*севавердим, дўст!..*

*Ва шодман,*
*эш бўлдим*
*нурларга,*
*Бағримни тўлдирдим*
*гулларга,*
*Ҳасаднинг юзига*
*боқмадим,*
*Юракни сотмадим*
*пулларга!*
*Кўнглим нурларига*
*саждалар қилдим,*
*Сизни севиб-севиб*
*муҳташам бўлдим!*

* * *

*Унутай деймаn-у, унутолмайман,*
*Пардайин тўзғиган осуда дамлар.*
*Жисмимда бир кунда*
*тўрт фасл яшар,*
*Бир-бир алмашади*
*қувончлар, ғамлар.*
*Руҳим ҳурлик истаб кезар саросар,*
*Сўнгра йиғлаб таслим бўлади дилга.*
*Туннинг кўксин безаб тонгни кутаман,*
*Айланиб туйғунинг содиқ қулига.*
*Дарахтлар юрагим ўпиб йиғлайди,*
*Гўзал дардларимнинг юзин сийпалаб.*
*Олис муҳаббатнинг наволарини*
*Чарчамас, мингинчи*
*марта ҳам куйлаб.*
*Унутай деймаn-у, унутолмайман,*
*Излаб тополмайман*
*Сизсиз бир дамни.*
*Айтинг, ахир қандай унутмоқ мумкин,*
*Юрагингда яшаётган одамни!*

* * *

*Дарахтлар бир*
*майин*
*чайқалар,*
*қайғу йўқ, озор йўқ,*
*ҳижрон йўқ.*
*Чайқалар ҳар битта япроғи*
*гўё бу оламдан кўнгли тўқ.*
*Дарахтга айлангим*
*келяпти,*
*тўқ тутгим келяпти кўнглимни.*
*Руҳимни тинч қўйса*
*савдолар,*
*Озорлар тарк этса дилимни...*
*Дарахтлар бир озод чайқалар,*
*Соғинчнинг азобин билмайин.*
*Япроқлар ҳургина шодланар,*
*Дунёни назарга илмайин*
*Дарахтлар бир майин*
*чайқалар...*
*Дарахтга айлангим*
*келяпти...*

* * *

*эй дунё,*
*аёлнинг қалбига ўхшайсан —*
*ҳеч сени тушуниб бўлмайди...*
*(ўзимга ўхшайсан, азизим!)*

* * *

*Эй, ишқ, ғаминг бунча кўпдир,*
*қувончларинг кам, —*
*яна недин сенга интиқмиз мудом?..*

* * *

*Яхши гаплашганни*
*дўстимми дебман —*
*у*
*яхши гапира оладиган*
*душманим экан...*

* * *

*Сиз озор чексангиз*
*оғрийди дилим,*
*бир кулиб қўйсангиз,*
*кўксимда баҳор...*
*Сизни севаман*
*демоққа*
*борми ҳеч ҳожат?*

Ориф ҲОЖИ

# ТОҒЛАРИМДА ОР БИСЁР



### БЕШИК ТОҒ

**Эртакларда учрайди,**
**Ойна кўлу тешик тоғ.**
**Менга илк ватан бўлди,**
**Азизларим, Бешик тоғ.**

**Бу тоғларда устма-уст,**
**Қолди қанча изларим,**
**Ҳу десам ҳу-ҳулайди,**
**Чинордай Азизларим.**

**Тепаларда чўнқайиб,**
**Ўй суришни севаман.**
**Салтанатлар шовури,**
**Келар "Шаҳар тева"дан.**

**Боболар ўтди баъзан,**
**Кўзда мунчоқ-мунчоқ ёш.**
**Ўтганлар ғамларига,**
**Гувоҳ эмиш Мунчоқтош.**

**Тоғларимда ор бисёр,**
**Дарахт орли, орли тош.**
**Тошларга имом ўтар**
**Бу ерда Дасторли тош.**

**Эр бошига иш тушса,**
**Кўзга икки олам — тош.**
**Қиёмдадир минг йилки,**
**Одам тошда, одам — тош.**

**Тошлар салтанатида,**
**Туғилдиму улғайдим.**
**Бағри тошларни кўрсам,**
**Ажиб хаёл чулғайди.**

**Гарчи тоғнинг тошлари**
**Дардларингни илғайди.**
**Бу мулойим хунуклар**
**Қадр нима — билмайди.**

**Сирти силлиқ зар ҳуққа,**
**Ичи тўла мор экан.**
**Мор оғзидан ризқ олмоқ,**
**Манглайимда бор экан.**

**Эй, Бешик тоғ, азизлар,**
**Ё, Порсохон эшоним.**
**Бу йўлга қадам қўйдим,**
**Руҳингизга ишониб.**

### БУ КУН

**Бу кун овозингга қилдим қаноат,**
**Бу кун қулоқларим кўз ва ҳис бўлди.**
**Дардим англатишга қанча интилмай,**
**Туйғу сероб бўлди, сўз танқис бўлди.**

**Соҳир овозингга симобдай эриб,**
**Жоним қулоғи-ла сени тингладим.**
**Соғинч қудратини туйдим чинакам,**
**Қанча севишимни бугун англадим.**

### УЧРАШУВ

**Сиздан атир иси келар гупиллаб,**
**Сиздан бўй қизларнинг бўйи келади.**
**Ҳидласам юрагим урар гурсиллаб,**
**Юрагим марварид тут — тўкилади.**

**Сизда таърифлашга сиғмас латофат,**
**Шеърларга жо бўлмас оҳанрабо бор.**
**Исмингиз билмайман, лек сифатингиз**
**Дилрабо бўлади ва ёки дилдор.**

**Товонингиз ўпган кокилларингиз**
**Кўзларим ўнгида сувдай тўлғонар.**
**Нурдай ёруғ, райҳондай хушбўй,**
**Паришон сочларга хаёл чулғанар.**

**Бошларим айланар ифорингиздан,**
**Ногаҳон дуч келиб қолсак йўлакда.**
**Сиз ҳақда сезгимни шеър қилолмайман,**
**Туйғулар ғалаён қилар юракда.**

**Сиздан бўй қизларнинг бўйи келади,**
**Сиздан латофатли атир таралар.**
**Сизни ҳар кўрганда бир тирналади**
**Бизнинг юракдаги эски яралар.**

*Зомин бағрида...*



*Р.ЖУМАНИЁЗОВ (ЎзА) олган сурат.*

# ТЕАТРНИНГ ТАЯНЧИ ЭДИ...

*Ёднома*



Билимга чанқоқ Яздонқул мактабда ўқиб юрган пайтларидаёқ адабиётга меҳр қўйган эди. Китоблардаги қизиқ-қизиқ воқеалар, улардаги «қаҳрамон»лар билан «бирга яшарди» у. Худди ўша йиллари ҳеч кимга билдирмай ҳикоя, мақолалар ёзишни машқ қила бошлаган эди.

...Орадан йиллар ўтгач, ёзувчи, драматург, журналист, публицист Яздон Худойқуловнинг сермаҳсул ижодий фаолияти ҳақида «Ўзбекистон маданияти» (ҳозирги «Ўзбекистон адабиёти ва санъати») газетасида «Инсон мадҳияси» сарлавҳали мақола ёритилди. Мақола муаллифи Ёнғин Мирзо Яздон Худойқулов ижодини батафсил шарҳлаб, «...Я.Худойқулов бугунги драматургиямизга янги-янги кашфиётлар олиб кирмоқда. Унинг саҳна асарлари халқчил, томошабоп, давр руҳига ҳамоҳанг..,» деб ёзган эди. Дарвоқе, серқирра қаламкаш ўз ижодини драма ёзишдан бошлаган.

...Яздон Худойқулов Каттақўрғон фарзанди. У дастлаб ўзбек тили ва адабиётидан дарс берди, шаҳар ўқувчилар уйига раҳбарлик қилди. Кейинчалик унинг фаолияти журналистика билан боғланди. У Ўзбекистон телеграф агентлигининг Самарқанд ва Бухоро вилоятлари бўйича мухбири, вилоят газеталарининг масъул котиби бўлиб ишлади. 1979 — 1982 йилларда Каттақўрғон драма театри директори, Маданият вазирлиги қошидаги репертуар — таҳририят кенгаши аъзоси сифатида фаолият кўрсатди.

Яздон Худойқуловнинг асарлари қарийб 45 йилдирки, қатор театрлар саҳналарида муваффақиятли ўйналиб келяпти. «Иғвогар», «Дугоналар», «Гулнома», «Орият», «Севгини ардоқлаш керак», «Кампир кетармиш», «Суд» сингари драма ва комедиялари Каттақўрғон драма театрида, атоқли ёзувчи Назир Сафаров билан ҳамкорликда яратилган «Лукаш Ботир» Миллий театрда, «Орият» Андижон драма театрида, «Кампир кетармиш» Муқимий номидаги театрда ҳамда Жиззах вилояти Юнус Ражабий номидаги театрда, «Севгини ардоқлаш керак» пиесаси эса Қўқондаги Ҳамза номидаги театрда саҳналаштирилган.

Умрининг сўнгги йилларида ёзган «Армон» асари юрт истиқлолини мустаҳкамлаш, Ватан озодлиги ва тинчлигини асраш йўлида ватангадо-террорчилар ўқидан ҳалок бўлган каттақўрғонлик йигит Улуғбек Барноевнинг қисқа, ибратли умр йўли ҳақидадир. Бу асар Каттақўрғон театрида саҳналаштирилди ва томошабинлар эътиборини қозонди.

Яздон Худойқулов тарихий шахслар образларини яратиш устида жиддий изланди. Жумладан, каттақўрғонлик маърифатпарвар шоир, одил қози Очилдимурод Мирий ҳаёти ҳақидаги «Қалбдаги доғ» қиссаси ҳамда «Гулнома» драмаси ёзувчи ижодида муҳим аҳамият касб этди.

Устоз таржимон сифатида ҳам баракали қалам тебратди. Жумладан, испан драматурги Гарсиа Лорканинг «Қонли тўй», А.Островскийнинг «Барно йигит» пиесаларини, А.Лозиеванинг «Чукча эртаклари» китобини, бир қатор қисса ва ҳикояларини ўзбек тилига ўгирди. «Қонли тўй» драмаси Муқимий номидаги мусиқий театрда ва Каттақўрғон театрида муваффақиятли саҳналаштирилди.

Адабиётимиз, матбуотимиз, театримиз фидойиларидан бири Яздон Худойқулов салкам саксон йиллик умрининг олтмиш йилини эл-юрт хизматига бахшида этди.

**Азим ҚОДИРОВ,**
**Абдуазиз ҲОШИМОВ**

*Жаҳон адабиёти дурдоналари*

*Ҳикоя*

Константин ПАУСТОВСКИЙ

# КЕКСА ОШПАЗ

1786 йилнинг қиш кечаларидан бирида Вена шаҳрининг чеккасидаги кичкина ёғоч уйчада графиня Туннинг собиқ ошпази бўлмиш сўқир чол оламдан ўтди. Тўғрисини айтганда, бу — уй ҳам эмас, боғнинг хилватидаги путурдан кетган бир қоровулхона эди. Боғ шамол синдириб итқитган чирик шох-шаббаларга кўмилиб ётарди. Бу шох-шаббалар ҳар бир қадам босганда қисирлар ва шунда ўз уясида ётган занжирлоғлиқ кўппак ириллаб қўярди. У ҳам ўз хўжасидек сўниб борар, ҳатто тузукроқ акиллашга ҳам ҳоли келмасди.

Бундан бир неча йиллар бурун печканинг иссиғидан ошпазнинг кўзлари кўрмай қолганди. Графиняning иш бошқарувчиси уни қоровулхонага жойлаштириб қўйди; вақт-вақти билан унга бир неча флорин бериб турарди.

Ошпаз 18 ёшли қизи Мария билан бирга турарди. Бу кулбанинг бор-йўқ матоҳи — каравот, даққиюнусдан қолган ўтирғичлар, стол, бир неча жойидан дарз еган сопол идишлар ва, ниҳоят, Мариянинг ягона бойлиги бўлмиш клавесин* эди. Клавесин шу даражада кўҳна эдики, унинг торлари атрофдаги жамики сасларга жавобан секин ва узоқ акс-садо берарди. Ошпаз чол клавесинни ҳазиллашиб «уйнинг қоровули» дер эди: клавесин уйга қадам ранжида қилган ҳар бир одамни кексаларга хос қалтироқ овози билан қаршилар, шусиз бирор киши уйга йўлаёлмасди.



Мария жон бераётган қарияни ювинтириб, совуқ, аммо топтоза кўйлак кийгизар экан, чол:

— Мен, биласанки, руҳоний ва монахларни ҳеч қачон ёқтирмас эдим, — деди. — Шунинг учун мен тавбани қабул қилувчи руҳонийга муҳтож эмасман. Аммо шу аснода ўлимим олдидан истиғфор келтиришим лозим.

— Нима қил дейсиз? — қўрқув билан сўради Мария.

— Кўчага чиқ-да, биринчи дуч келган йўловчидан бизникига киришни, жон таслим қилаётган кимсанинг тавбасини қабул этишни илтимос қил. Ҳеч ким буни рад этмайди.

— Бизнинг кўчамиз шунчалар кимсасизки... — Мария шундай деб пичирлади-ю, аммо барибир елкасига рўмолини ёпиниб чиқиб кетди. У боғдан югуриб ўтди, занглаб кетган дарчани зўрға очиб, тўхтаб қолди. Кўча бўм-бўш, шамол баргларни учириб ўйнар, сим-сиёҳ осмондан совуқ ёмғир томчиламоқда эди.

Мария қулоқ тутиб узоқ турди, кутди. Ниҳоят, кимдир хиргойи қилганча девор ёқалаб келабошлади. Мария йўловчини қаршилаб, олдинга бир неча қадам қўйди-да, у билан тўқнашиб кетиб, қичқириб юбораёзди. Нотаниш киши тўхтади ва:

— Ким бу? — деб сўради.

Мария йўловчининг қўлларидан маҳкам ушлаб, титроқ овозда отасининг илтимосини айтиб ўтинди.

— Яхши, — деди йўловчи осойишта. — Мен руҳоний эмасман, албатта. Лекин бунинг аҳамияти йўқ. Қани, кетдик.

Улар уйга киришди. Шам ёруғида Мариянинг кўзи озғин, кичкина одамга тушди. Йўловчи ўтирғичга ҳўл плашини ташлади. У оддий, аммо жуда дид билан кийинган эди — шам шуълалари унинг қора камзулида, биллур тугмалари ва ёқасининг тўқима ҳошияларида йилт-йилт акс эта бошлади. Ҳали жуда ёш — навқирон эди бу нотаниш киши. У бошини болаларча силкитиб, упа сепилган ясама сочларини тўғрилаб қўйди, зудлик билан табуреткани каравотга яқин суриб ўтирди-да, жони узилаётган чол томон эгилиб, унга разм солди.

— Гапиринг-чи, — деди у. — Балки мен худо тарафидан эмас, ўзимни бағишлаган санъат туфайли насиб этилган қудрат воситасида Сизнинг кўнглингизга хотиржамлик бағишлаб, руҳингизни зилдай юкдан халос этарман.

— Мен ожиз бўлиб қолгунимча бир умр меҳнат қилдим. — Чол шундай деди-да, нотаниш кишининг қўлларини ўзига яқин тортди. — Меҳнат билан машғул кишининг эса гуноҳ ишларга вақти қолмайди. Бир пайт хотиним сил билан оғриб қолди — унинг исми Марта эди — табиб унга турли хил қиммат дориларни ёзиб берди, қаймоқ, анжир ва кагор виносини истеъмол қилишини буюрди. Шунда мен графиня Туннинг сервизидан кичкина тилла тахсимчани ўғирлаб, синдирдим ва бўлак-бўлак қилиб сотдим. Бунга иқрор бўлиш ҳам, қизимдан сир тутиш ҳам ҳозир менга жуда оғир: чунки мен уни бировнинг буюмига бесўроқ қўл теккизмасликка ўргатганман.

— Бунинг учун графинянинг хизматкорларидан бирортасини айбдор тутишдими? — сўради нотаниш киши.

— Онт ичаман, тақсир, асло бундай бўлган эмас, — чол шундай деб йиғлаб юборди. — Бу тиллаларнинг Мартамга бир чақалик нафи тегмаслигини билганимда эди... уларга бармоғимнинг учини ҳам теккизмасдим.

— Исми шарифингиз нима, жаноб?

— Иоганн Мейер, тақсир.

— Бўлмаса бундай, Иоганн Мейер, — нотаниш киши шундай деб кафтларини чолнинг сўқир кўзларига босди. — Сизнинг одамлар олдида мутлақо гуноҳингиз йўқ. Сиз қилган иш гуноҳ ҳам, ўғрилик ҳам эмас; эҳтимол, бу учун Сизга Муҳаббат йўлидаги жасоратнинг ажри берилар.

— Омин! — пичирлади чол.

— Омин! — такрорлади нотаниш киши. — Энди эса сўнгги истагингизни баён қилинг.

— Истагим шуки, кимдир Марияга ғамхўрлик қилса.

— Буни мен бўйнимга оламан. Яна бирор истагингиз борми?

Шунда жони узилаётган чол кутилмаганда жилмайди ва баланд овозда:

— Мен Мартани яна бир марта кўришни истайман — уни ёшлигида қандай бўлса, шундайинча кўришни истайман, — деди. — Қуёшни, боғни — баҳор чоғи гулларга кўмилган кўҳна боғни кўришни истайман... Бунинг имконияти йўқ, албатта. Тентак чолни маъзур тутинг, тақсир. Хасталик миямни айнитганга ўхшайди.

Нотаниш киши эса:

— Яхши, — деди ва ўрнидан турди. — Яхши, — такрорлади у яна, клавесинга яқин келиб, табуреткани қўйди. — Яхши! — у учинчи бор баланд овозда шундай деди ва... қоровулхонада дафъатан юзлаб биллур шарчаларни полга тўкиб юборгандаги каби жаранглаган садолар таралиб кетди.

— Қулоқ солинг, — деди нотаниш киши. — Қулоқ солинг ва қараб туринг.

У чала бошлади. Мария кейинчалик бу нотаниш кишининг клавесин клавишларини биринчи босган пайтдаги чеҳрасини эслади: унинг манглайи одатдан ташқари оппоқ оқариб кетган, қоронғилашган нигоҳларида шамнинг «тил»чалари рақс тушарди.

Клавесин узоқ йиллардан буён илк маротаба бор овози билан куйламоқда эди. У нафақат қоровулхонани, балки бутун боғни ўз садоларига ғарқ этди. Қари кўппак уясидан чиқиб, бошини бир томонга осилтирганча, қулоқларини динг қилиб ўтирар, думини ҳар замон ликиллатиб қўярди. Ҳўл қор ёға бошлади, аммо ит ҳар замон қулоқларинигина силкитиб-силкитиб қўярди, холос.

— Мен қўрқяпман, тақсир! — чол шундай деб қўзғалди. — Мен Марта билан илк учрашувимиз кунини кўряпман. Унинг хижолатдан суткўзани синдириб қўйганини кўряпман. Ўшанда қиш эди, бу учрашув тоғда бўлганди. Осмон мусаффо, худди кўм-кўк шишадек эди. Марта куларди... Куларди, — такрорлади у клавесин садоларига қулоқ тутиб.

Нотаниш киши эса зимистон деразага тикилганча чалмоқда эди.

— Энди-чи, — сўради у. — Бирор нарсани кўряпсизми?

Чол қулоқ солиб, жим қолди.

— Наҳотки кўрмаётган бўлсангиз, — нотаниш киши чалишдан тўхтамасдан шундай деди. — Қоп-қора тун ложувард рангга киряпти, энди эса у мовий тус олмоқда. Қандайдир юксак-юксакдан илиқ ёғду оқиб келяпти, кўҳна дарахтларингиз оппоқ гулга кирмоқда. Менимча, бу — олма гуллари. Улар улкан лолаларга ўхшайди. Сиз кўряпсиз: тош-деворга дастлабки шуълалар тушди, улар деворни илитмоқда ва у ердан ҳовур кўтариляпти — эриган қор билан тўйинган йўсин қуриётганга ўхшайди. Осмон эса тобора баландлашиб, тобора мовийлашиб, тобора улуғворлашиб боряпти. Энди эса бизнинг қадим Венамиз устидан қушлар галаси шимол сари учиб ўтишмоқда.

— Мен буларнинг ҳаммасини кўряпман! — қичқириб юборди чол.

Педал осойишта ғичирлар, клавесин тантанавор куйларди; бамисли кўҳна чолғу эмас, завқ-шавққа тўла юзлаб садолар куйламоқда эди.

— Йўқ, тақсир, — деди Мария нотаниш кишига, — бу гуллар лолаларга мутлақо ўхшамайди. Бу олма дарахтлари бир кечагагина гул очди.

— Ҳа, албатта, булар олма гуллари, аммо уларнинг гулбарглари жуда катта-катта.

— Деразани оч, Мария, — ўтинди чол.

Мария деразани очди. Уйга совуқ ҳаво ёпирилиб кирди. Нотаниш киши эса ҳамон чалар эди.

Чол ўзини ёстиққа ташлади, ҳарсиллаб нафас олиб, кўрпани қўллари билан пайпаслай бошлади. Мария чолга отилди. Нотаниш кимса чалишдан тўхтади ва ўзи чалган мусиқадан сеҳрланган каби клавесин олдида қилт этмай туриб қолди. Мария қичқириб юборди. Нотаниш кимса ўрнидан туриб каравотга яқинлашди. Чол нафаси қайтиб шундай деди:

— Мен барчасини бундан бир неча йиллар илгаригидек кўрдим... шу қадар аниқ... шу қадар ёрқин. Аммо мен... Сизнинг исмингизни билмасдан ўлишни истамайман. Исмингиз нима?

— Менинг исмим Вольфганг Амадей Моцарт, — деб жавоб қилди нотаниш киши. Мария каравотдан тисланди-да, буюк мусиқачи қаршисида тиззалари полга теккудек чуқур таъзим бажо келтирди.

У қаддини ростлаганда чол аллақачон оламдан ўтган эди. Дераза ортида тонгги шафақ ёлқинланар, оппоқ гул сингари ҳўл қорга кўмилган боғ буткул ўша шафақ ёғдуларига ғарқ эди.

---

**Фортепьянога ўхшаш қадимий чолғу асбоби.*

**Нодира АФОҚОВА таржимаси**

# МАДАНИЙ ҲАЁТ

Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, республика Халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар илмий-методик маркази, Тошкент вилоят маданият ва спорт ишлари бошқармаси ҳамкорликда Паркент туманидаги "Бойқозон" маданият ва спорт мажмуасида "Вояга етмаган ёшлар билан ишлашда маданий-маърифий муассасалар ходимларининг асосий вазифалари" мавзуида минтақавий семинар-кенгаш ўтказди.

Ёшларнинг маданият ва спорт тўгаракларига қизиқишларини ошириш, аҳолининг бўш вақтини мазмунли ўтказишда маданият ва спорт мажмуалари фаолиятини кучайтириш мақсадида ташкил этилган бу тадбирни Тошкент вилояти ҳокими ўринбосари Н.Ҳайитқулов очди. Сўзга чиққанлар ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказишда маданий ва оммавий спорт тадбирларининг аҳамияти, вояга етмаган ёшлар билан ишлашда маданият ва спорт муассасаларининг асосий вазифалари, кўрик-танловлар ва фестивалларда ёшлар иштирокини кучайтириш, ҳаваскорлик тўгаракларини кўпайтириш ва уларга ёшларни жалб этиш хусусида фикр-мулоҳазалар билдирдилар. Иштирокчилар Паркент туманидаги маданият ва спорт муассасалари фаолияти билан танишиб, "Мен, оилам ва спорт" мавзуидаги спорт мусобақаси ҳамда давра суҳбатидан баҳраманд бўлдилар.

Тадбирда Маданият ва спорт ишлари вазири ўринбосари Азамат Ҳайдаров иштирок этди.

**М.КАРИМОВА**

* * *

Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг касб-ҳунар таълими маркази, ҳамда "Олтин мерос" халқаро хайрия жамғармаси билан ҳамкорликда республика академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ўртасида "Барҳаёт наволар" фолклор фестивал-танловини ўтказди.

Фестивал-танловда ўз дастури билан ҳамманинг эътиборини қозонган Булунғур туманидаги қишлоқ хўжалик касб-ҳунар коллежи Гран-прига сазовор бўлди. Тошкент ва Хоразм педагогика коллежлари 1-ўринга, Андижон педагогика коллежи 2-ўринга ва Бекобод техника-иқтисодиёт коллежи талабалари 3-ўринга муносиб кўрилди. Тадбир талаба ёшларимизда халқимизнинг гўзал маросимлари, урф-одатлари ва қадимий санъатига қизиқиш катта эканлигини кўрсатди.

*Умрнинг давоми*

Озод ШАРАФИДДИНОВ

# СЎНГГИ ЖАДИД ҚИССАСИ

**Ўртоқлари ҳазиллашиб уни шундай деб аташарди. Дарҳақиқат, Бегали Қосимов илмий фаолиятининг ҳаммасини тўлалигича жадидлар мавзуига бағишлаган, уларнинг маърифатпарварлик соҳасидаги, миллатни уйғотиб ҳозирги замон цивилизациясига эш қилиш йўлидаги ҳаракатларини давом эттирган эди. Деярли ярим аср давом этган бу иш жараёнида Бегалининг ўзи ҳам жадидларнинг қай бир хислатларини ўзлаштириб олгандек кўринарди. Шунинг учун "Сўнгги жадид" деган лақаб унга жуда мос тушган эди.**

Бегали Қашқадарё вилоятининг Касби туманига қарашли кичикроқ бир қишлоқда туғилиб ўсган эди. Унинг болалиги уруш йилларига тўғри келди. У кезлари, айниқса, қишлоқларда шароит оғир эди. Шунинг учун Бегали ҳам бошқа қишлоқ болалари каби болаликнинг кўпгина қувончларидан маҳрум бўлиб ўсган. Қишлоқ аҳли чорвачилик билан шуғулланарди. Қўй-қўзиларнинг кетидан юриш, уларни парвариш қилиш, вақти келганда улоқлар билан қувлашмачоқ ўйнашлар қишлоқ болаларининг ягона овунчоғи эди. Бундан ташқари, она табиат Бегалининг қалбида илк марта ватан туйғусини уйғотди. Қашқадарё адирлари, айниқса, баҳор кезларида бетакрор бир гўзаллик касб этади. Адирлар ям-яшил либос кияди, ўт-ўланлар, майсалар кишига хуш ёқувчи муаттар ҳидлар таратиб гуркираб ўсади, теварак-атрофдан узлуксиз эшитилиб турадиган қўй-қўзиларнинг маъраши адирлар бағрида ёқимли музика садоларидек туюлади. Ложувард осмон типтиниқ, кишида аллақандай номаълум ҳис-туйғуларни уйғотади. Бу гўзаллик ичида яшаб, улғайиб уни севиб қолмаслик мумкин эмас. Бегали она қишлоғини, унинг теварагидаги паст-баланд адирларни жуда яхши кўрарди. У 50 ёшга кирганида бир гуруҳ дўстларини қишлоққа таклиф этганди. Қишлоқ озода, саришта, ғоятда файзли эди. Бегали ўзи ўқиган мактабни, болалиги ўтган қишлоқдаги кўчалару манзилларни қандайдир ички бир ғурур билан бизга кўз-кўз қилди. Кейин бизни туман марказидан унча олис бўлмаган қабристонга етаклади. Қабристон қадимий бўлиб, жуда катта эди. Ҳар бир мақбара таъмирланган, супириб-сидирилган. Одамларнинг бу қабристонга ихлоси ва ҳурмати ғоят баландлиги аён кўриниб турарди. Бу қабристонда жуда кўп улуғ уламоларнинг жасади қўйилган экан. У пайтлари Ўзбекистон мустақил ривожланиш йўлидаги биринчи қадамларини қўймоқда эди. Шунинг учун ҳали шўролар замонидаги баъзи удумлар бекор бўлмаган, ўтмишда яшаган буюк алломалар ва уламоларни, азиз авлиёларни эъзозлаш, ҳурматини жойига қўйиш кўнгилдагидек эмасди. Лекин Касби яқинидаги қабристон бундан мустасно. Мени ҳайрон қолдирган нарса шу бўлдики, Бегали ҳар бир мақбарадаги азиз-авлиёнинг кимлиги, қайси даврда яшагани, қандай ишлар билан халқ ўртасида донг чиқаргани, улар тўғрисида қандай эски-эски китобларда маълумот берилганини жуда яхши биларди. Бегали бу тўғрида тўлиб-тошиб гапирар экан, биз гўё олис тарихнинг садоларини эшитаётгандек ҳис қилдик ўзимизни. Мен Бегалидан бу гапларни қаердан билишини сўрадим.

— Болаликда уйимизда ҳам, мактабда ҳам кўп гапиришарди. Неча марта қабристонни зиёрат қилиб, бу ерда ётган азиз-авлиёларни тавоф қилганман. Қолган гапларни ҳар хил китоблардан ўқиб билиб олганман.

Суҳбатдошимга яна бир бор қойил қолдим — мен унинг билимдонлигини билардим, аммо ўз қишлоғини, унинг тарихини, қадриятларини бу қадар эъзозлашини билмасдим. Демак, унинг ёшлик йиллари шунчаки ўйинқароқлик билан ўтмаган экан. Бегали болалик кезларидан синчков, ҳар нарсага қизиқадиган, ҳар нарсани таг-туги билан чуқур билиб олишга интиладиган одам бўлиб ўсган экан. Хуллас, бу синчковлик, юрт тарихига, маданиятига қизиқиш уни ҳозирги Миллий университет даргоҳига олиб келди.

Бегали ўз гуруҳидаги талабалар ичида энг жуссаси кичиги эди. Эркин адирлар бағрида, ўт-ўланлар салтанатида, бир чўпончалик қўй-қўзилар кетидан югуриб ўсган Бегали нега бунчалик кичкина бўлиб қолган, билмадим. Лекин бир-икки йил ўқигандан кейин спорт билан астойдил шуғулланиб, бу қусурини анча тўғрилаб олди. У университет командасида 15—20 йил муттасил волейбол ўйнади. Жуда эпчил ва чаққон эди. Жуда қийин тўпларни ҳам ўйинга қайтара олар, умуман, яхши ўйинчилардан бири ҳисобланарди. Бегали дурустгина шахмат ҳам ўйнарди. Кафедрамиз аъзолари ёзги таътил вақтларида ҳар хил сафарлар ва саёҳатларга кўп бориб турарди. Бегали бу сафарларнинг доимий иштирокчиси эди. У билан Қашқадарёнинг тоғлиқ ҳудудларига сафар қилганмиз. Ҳисорак шўввасини, Қизил эмчак тоғини, Ғилон деган афсонавий масканни бирга кезганмиз. Узоқ Шарққа, Бадахшонга, Арошан бува булоғига, Сурхон воҳасига бирга борганмиз. Бегали жуда дилкаш йигит эди. У кўп гапирмас, лекин индамас ҳам эмасди. У ҳадеб бўлар-бўлмасга кулавермас, бироқ кулса, чин дилдан куларди. Бирон нарсадан ранжиса ёки жаҳли чиқса, дарғазаб бўлиб, бақириб-чақирмас, балки бирон оғиз заҳарханда гап айтиб ёки бирон пичинг билан, қошларини чимириб, муносабатини маълум қиларди.

Бегали жуда яхши ўқиди. У айниқса эски ўзбек тилини, араб ёзувини мукаммал ўрганди, бу унинг мумтоз адабиёт билан шуғулланишига имкон берди. У семинарларда, илмий конференцияларда жуда мазмунли маърузалар қилар, ўрни келганда, илмий масалаларда мунозара қилишдан қочмасди. Унинг ҳар бир чиқишида, албатта, қандайдир янгилик бўларди.

Бегалининг фаоллиги ва ғайрати, илмга астойдил берилгани домлаларнинг назаридан четда қолмади. Айниқса, профессор Ғулом Каримов унга алоҳида эътибор билан қарай бошлади. Кўп ўтмай улар ўртасидаги муносабат устоз-шогирдлик муносабатига айланди. Кейин Бегали Ғулом Каримовнинг аспиранти бўлди. Албатта, унинг номзодлик иши ҳам жадидчиликка бағишланган эди. Лекин Бегали, эҳтимол, Ғулом Каримовнинг маслаҳати билан бўлса керак, жадидчиликнинг умумий муаммолари устида эмас, бу ҳаракатнинг атоқли вакили Мирмуҳсин ижоди устида иш бошлади ва "Мирмуҳсин Шермуҳамедов (Фикрий) ва унинг адабий муҳити" мавзуидаги номзодлик диссертациясини муваффақият билан якунлади. Натижада унинг номи тикланди, ўзбек адабиёти ўзининг яна бир йирик сиймосини қайтадан бағрига қайтарди. Бу Бегали Қосимовнинг илмий жасорати эди. Шундан кейин Бегали докторлик диссертацияси устида иш бошлади. Табиийки, бу тадқиқот ҳам жадидизм масаласига бағишланган бўлиб, энди Бегали уни катта кўламда, ҳамма назарий жиҳатлари билан бирга ёритишни мақсад қилиб қўйган эди. Бироқ бу пайтга келиб, мафкурамизда яна бир эврилиш содир бўлди — энди жадидлар масаласини умуман тилга олиш мушкул бўлиб қолди. Маҳаллий "доҳийлар"имиздан аллақайсиси, билса-билмаса, "Жадидлар синфий душманимиздир", деган ҳикматни айтипти. Шўролар даврида, айниқса, Ўзбекистонда мафкура ана шунақа аҳволда эди. Нима қилмоқ керак? Бу мавзудан воз кечиш — ўзбек адабиётининг чорак асрлик тарихидан воз кечиш, демак эди. XX аср биринчи чорагидаги адабиёт тарих саҳифаларидан ўчириб ташланса, адабиёт ривожида узилиш рўй берар, унинг тадрижий ривожланиш йўлларини изоҳлаш мумкин бўлмай қоларди. Бунинг устига, материаллар жадидчилик ҳаракатининг халқчил, демократик ҳаракат бўлганидан далолат бериб турган бўлса, ундан қандай воз кечиш мумкин? Хуллас, бу ерда мавзуни тасдиқлатиш учун анчагина муғомбирлик ишлатишга тўғри келди. Бегали ишнинг мавзуини "XX аср боши ўзбек поэзияси (Инқилобий шеъриятнинг шаклланиши ва тараққиёт масалалари. (1905—1917)", деб белгилади. Албатта, биринчи қарашда жадид адабиётини "инқилобий" адабиёт деб аташ эриш туюлади. Бироқ масаланинг моҳиятига назар ташланса, бу ерда ҳеч қандай муболаға ёки сохталик йўқ эди. Негаки, эски тартибларга, феодал муносабатларга, қотиб қолган расм-русумларга қарши чиққан жадидлар ўзбекларнинг турмуш тарзини замонавийлаштириб, бутунлай янги йўлга солиб юбориш ғоясини олға сурган эдилар. Бу эса, шубҳасиз, инқилобий ғоя эди. Шундай қилиб диссертация темаси тасдиқланди ва Бегали ғайрат билан ишга киришди. Иш жараёнида Бегалининг олим сифатидаги муҳим бир хислати намоён бўлди ва камолга етди. Бу — академизм эди. Шўро замонида илмдаги академизм мактаби у ер-бу ерда сақланиб қолган бўлса-да, илмда енгил-елпи йўлларни қидирган ва осонгина фан чўққиларига кўтарилиб, шон-шуҳрат орттиришни истаган одамлар академизмни қоралай бошладилар. Улар академизмни услубий жиҳатдан мураккаб деб эълон қилдилар. Бу йўл билан яратилган асарлар кенг халқ оммасига тушунарли эмас деб даъво қилдилар. Ҳолбуки, бу академизмдан халос бўлган тадқиқотлар адабиётшуносликдаги саёзликни, масаланинг моҳиятига чуқур кира билмасликни, фактларни умумлаштириш салоҳиятининг заифлигини оқлар эди. Бегали бу йўлдан қочди ва тадқиқот услубида, Ғулом Каримов каби академизмга содиқ қолди. Бироқ бу тадқиқот устида бир неча баравар кўпроқ ва қаттиқроқ меҳнат қилишни, ишдаги ҳар бир факт, тилга олинган ҳар бир исм, унинг тўғрисидаги маълумотлар аниқ бўлишини талаб этарди. Бу усулда иш кўрувчи олим баландпарвозликдан, юзакиликдан қочмоғи, олдинга сураётган ҳар бир фикрини, ҳар қандай ғоясини ҳар томонлама далиллаши керак эди. Абдулла Қаҳҳор таъбири билан айтганда, ўз фикрини олға сураётган олим бу фикрни деворга мих қоққандек қоқиб, бу михнинг қалпоғини узиб ташламоғи лозим эди, шунда бу михни, яъни фикрни ҳеч ким жойидан суғуриб ололмайди. Бегалининг докторлик диссертациясининг материаллари тарқоқ ҳолда эди. Бу тадқиқотчи олдига қўшимча қийинчиликлар қўярди. Жадидлар гарчи XX асрда, яъни нисбатан яқинда яшаб ўтгани учун, шўро ҳукуматининг сиёсатида қоралангани важидан, асарлари деярли унутилаёзган эди. Бегали бу борада ҳам чинакам матонат ва ғайрат билан иш юритди.

Олим Тошкент ёки Самарқанд кутубхоналаридаги материалларни аниқлаш ва тўплаш билангина шуғулланмади. Ўзбекистонда ёки ичкарида шуғуллангани йўқ. У материал тўплаш учун қўшни республикаларга илмий сафарлар қилди, айниқса, Татаристон ва Бошқирдистон кутубхоналарида кўп ишлади. Айтмоқ керакки, Уфада ва Қозонда XX аср бошидаги ўзбек адабиёти намуналари Тошкентдагига қараганда кўпроқ сақланиб қолган. Масалан, мен ҳам Чўлпоннинг Ўзбекистондан топилмаган биринчи шеърий тўплами "Булоқлар"ни Қозон университетининг фундаментал кутубхонасидан топган эдим. Умуман, бу кутубхона каталогидан ўзбек адабиётининг менга маълум бўлмаган 400га яқин намуналарининг номини ёзиб олгандим. Хуллас, Бегали материалларни мисқоллаб йиғди. Ниҳоят, материал излаш жараёнида у Қиримнинг Боғчасарой шаҳарчасига ва унинг яқинидаги Ғаспирали қишлоғига ҳам борди. Бу қишлоқда бутун туркийлар дунёсини уйғотган, маърифат ғояларини тарқатган улуғ инсон Исмоилбек Ғаспирали туғилиб ўсган ва ижод қилган эди. Бегали бу буюк зотнинг уй-жойи, унинг хотираси билан боғлиқ жойлар, шу жумладан, унинг қабри ҳам қаровсиз, хароб бўлиб ётганини кўриб қаттиқ изтиробга тушди ва бу тўғрида мақолалар ёзди. Албатта, Бегали йиллар давомида тўплаган материаллар уни бу соҳанинг зукко билимдонига айлантирди. Бутун Ўзбекистондаги Миллий Уйғониш даврини, унинг адабиётини ўрганишни истаган ёшлар Бегали атрофига уюша бошлади, бутун бир илмий мактаб шаклланди. Бу эса, кейинчалик Миллий университет таркибида Миллий Уйғониш даври адабиёти кафедрасини ташкил қилишга имкон берди. Кафедрага тўпланган илмий жамоа қисқа муддатда катта ишларни амалга оширди. Жумладан, ҳозир "Маънавият" нашриёти чоп этаётган "Истиқлол фидойилари" туркумида биринчи марта жадид адиблар ва шоирларининг асарлари нисбатан тўла равишда дунё юзини кўрди. Бу китоблар, жадидларга бағишланган монографиялар, рисолалар, мақолалар Бегалининг номини фақат бизда эмас, чет эл илмий доираларида ҳам танитди. Америка, Франция, Германия олимлари билан унинг ўртасида ёзишмалар вужудга келди, улар манба сифатида Бегали чоп қилган асарларга мурожаат эта бошладилар. Туркиядаги туркшунос олимлар эса, туркий халқлар адабиёти бўйича ўнлаб жилддан иборат тадқиқотлар матнларини нашрга тайёрлаш ва чоп этиш ишига Бегалини муаллиф ва муҳаррир сифатида таклиф қилишди. Бегали бир неча марта Туркияга таҳрир ҳайъатининг мажлисларига борди. У ерда нутқлар сўзлади. Бегалининг айтишича, бу улкан нашрнинг ўзбек адабиётига бағишланган жилдлари лойиҳасида парокандалик ва юзакилик мавжуд эди. Уни тузганлар ўзбек адабиётини яқиндан билмасликларини ошкор этиб қўйганлар. Албатта, катта меҳнат сарфланиб тайёрланган лойиҳанинг танқид қилиниши ҳеч кимга ҳам ёқмайди. Унинг устига, адабиётлар бўйича янгидан лойиҳага яна нималарнидир киритиш ҳақидаги таклифлар ҳам жуда катта қийинчилик билан қабул қилинади. Чунки ҳажм чекланган, уни ҳадеб кенгайтираверишнинг имкони йўқ. Бегали бу масалаларда принципиал позицияда турди, турли мамлакатлардан келган туркшунослардан ташкил топган таҳрир ҳайъатини ўзининг танқидий фикрлари ва таклифларига кўндиришга муваффақ бўлди. Натижада лойиҳадаги ўзбек адабиётига бағишланган жилд анча тўла, илмий жиҳатдан асосланган ҳолда нашр этилди. Фақат афсусланадиган жойи шундаки, бу қимматли китобдан Ўзбекистонга 2-3 донагина етиб келди, холос! Бегали бу жилдни менга кўрсатган, ҳатто бир неча кунга бериб ҳам турган эди. Мен у билан танишиб чиққач, бу китоб ҳақида тақриз ёзишни буюрдим ва уни "Жаҳон адабиёти" журналида эълон қилдик.

Бегали Қосимов фақат етук истеъдодли тадқиқотчи олим эмас эди, у айни чоғда ўқитувчилик санъатини пухта эгаллаган моҳир педагог ҳам эди. Талабалар уни жуда яхши кўришар ва унинг теварагидан аримасди. Бегали ҳам талабаларни ғоятда ҳурмат қиларди. Бироқ бу ҳурмат ҳар нарсада уларга ён босишда, уларни етаклашда эмас, аксинча, маърузаларнинг сифатида, уларда ҳар гал қандайдир илмий янгиликларга интилишида, уларнинг адабиёт тарихидан олинган мароқли ҳикояларга бойлигида кўринарди. Бегали талабаларни ҳар қанча ҳурмат қилмасин, уларга нисбатан талабчанликни асло бўшаштирмас эди. Унинг фанидан имтиҳон топшириш ғоятда қийин эди, бироқ бу қийинчилик домланинг ўринсиз инжиқлигидан туғиладиган сунъий қийинчилик эмасди. Талаба материални Бегалининг кўнглидагидек тўла ўзлаштирмаса, буюрилган бадиий адабиётларни ўқиб чиққан бўлмаса, Бегали унга ижобий баҳо қўймас эди. Албатта, кўпгина нўноқ талабаларнинг кетидан юрадиган "илтимосчи" одамлар кўп бўларди. Улар қўрқа-писа Бегалидан ҳам илтимос қилишарди. Бироқ Бегали уларнинг кўпчилигига рад жавобини берарди. У ҳатто менга ҳам шунақа муомала қилган. Мен ким тўғрисидадир илтимос қилган эдим. Бегалининг энсаси қотди, қошларини чимириб, истеҳзо билан:

— Ўқиб келсин, майли, қўйиб берарман, — деди.

Бегали талабчан бўлсада, адолат билан иш тутар, имтиҳонни талабадан ўч олиш қуролига айлантирмас эди. Эҳтимол, университетда бунақа талабчан домла жуда кам бўлгандир, ҳар ҳолда, талабаларнинг Бегалидан ўқиган фанидан билимлари пишиқ-пухта бўларди. Бегалининг талабчанлиги ўз фанини жуда яхши кўрганидан, унга садоқатидан туғилган эди. Қани энди ҳамма домлалар шундай бўлса, менингча, таълим савиясини ошириш, биринчи навбатда, ўқитувчининг талабчанлигига боғлиқ.

Сўнгги марта биз Бегали билан 2004 йилнинг июл ойида кўришдик. Яхши мутахассис ва ажойиб инсон Омонилла Мадаев ўқитувчиларнинг таътилга чиқиши олдидан яқин дўстларига маҳалла чойхонасида ош қилиб берадиган одат чиқарган. Бегали ҳам шу йиғинларга келарди, лекин ҳар доимгидек бардам ва ҳаракатчан эмас эди. Ранги ҳам сўлғин, кайфияти паст. Ҳеч нарса емайди ҳисоб. Фақат домлалар билан гаплашиб, нима гаплигини сўрасак, ошқозони безовта қилаётганини айтди. Кейин орадан бир ой ҳам ўтмасдан Бегалининг касали жиддий эмиш, операция қилмаса бўлмас эмиш деган гап тарқалди. Лекин маълум бўлишича, операция учун 250 минг сўм тўлаш керак экан. Шунда университетнинг аввалги ректори, академик Тўрабек Долимов валломатлик қилди. У университет ҳисобидан керакли пулни ўтказиб берди.

Мен операциядан кейин 5-6 кун ўтгач, уни кўргани бордим. Бегали мени кўриши билан ётган жойидан турмоқчи бўлди. Мен, албатта, "Қимирламанг, ётаверинг", деб уни тинчитдим ва бунақа пайтларда беморга айтиладиган тасалли сўзларини айтдим. Унинг кайфияти яхши эди — унга ҳам, менга ҳам операция муваффақиятли ўтди, ҳа демай тузалиб кетади дейишди. Биз Бегали билан келажакдаги илмий режаларимиз тўғрисида гаплашдик. Бегали Уйғониш даври адабиёти деган илмий дарсликни нашриётга топширганини айтди. Кўп ўтириш мумкин эмас эди. Бирор ўн дақиқадан сўнг қўзғалдим. Сўнг менинг ўзим ҳам шифохонага тушиб қолдим.

Кейин Бегалини уйига жавоб беришганини, анча мазаси қочганини айтишди. Юрагим "шув" этди. Уни операция қилган доктор Бегалининг рак эканини айтди. Қаттиқ қайғурдим, лекин бандасининг қўлидан нима ҳам келарди. Мен телефонда видолашдим. Йиғи босиб гапларимни айта олмадим. Бегали ҳам жуда ҳаяжонланиб кетди, икки марта "Раҳмат, Озод ака!", "Раҳмат, Озод ака!", деди. Бу унинг менга айтган сўнгги сўзлари бўлди.

Профессор Бегали Қосимов шу тарзда ҳаётдан кўз юмди. Шубҳа йўқки, бу ажойиб инсоннинг номи тарихдан муносиб ўрин эгаллади.



СУРАТДА (чапдан): Б.Қосимов, О.Шарафиддинов ва Ў.Ҳошимов

# ТАНИШ МАНЗИЛЛАР



*Ёзувчи Мирзапўлат Тошпўлатовнинг янги китобини худди гулдастадек қўлимга олдим. Йўқ, унақа чиройли, ялтироқ гуллардан эмас, аксинча, бири иккинчисига ўхшамайдиган, бир қараганда кўримсизгина, жайдари туюладиган, аммо рангинлиги ва бўйи билан кишини ўзига тортадиган, олис тоғлару даштлар, қирлару адирлар исини димоққа олиб келгувчи ва кўнгилда алланечук қадрдон ҳислар уйғотувчи гулдаста... Уларнинг бағрида олис ва яқин йилларнинг, таниш ва нотаниш йўллар, манзилларнинг нафаси бор.*

*Хусусан, тўпламдаги "Санам тоғидаги гулхан" тарихий қиссаси халқимиз тарихида ўчмас из қолдирган Муқанна бошчилигидаги озодлик ҳаракатидан ҳикоя қилса, "Ойни ахтарган бола" қиссаси болаликнинг яқин ва йироқ кўчаларига етаклаб кетади. "Дунё бозори" пиесасида эса, бугунги куннинг энг долзарб муаммолари ўртага ташланган. Мирзапўлатнинг бу китобидан ўрин олган турли жанрлардаги асарлар адибнинг кейинги йиллардаги жиддий изланишларидан дарак беради.*

*Китобингизни ўқидим*

*Мирзапўлат, агар янглишмасам, ўттиз йилча муқаддам "Гулистон" журналида чоп этилган ва ўша пайтдаёқ кўпчиликнинг диққатини ўзига тортган "Содиқ полвон" номли ҳикояси билан адабиётимизга кириб келган эди. Ўша кезлари Ўзбекистон халқ ёзувчиси Тоғай Мурод билан бу ҳикоя хусусида баҳслашиб қолганимизни яхши эслайман. Зеро, бу мавзу Тоғайнинг энг "нозик нуқтаси" эканлигини, кейинроқ унинг полвонлар ҳаётига бағишланган "Юлдузлар мангу ёнади" номли қиссаси чиққандан кейин яхшироқ англаб етдим.*

*Бу орада Мирзапўлатнинг "Юракдаги сир", "Қайтиш", "Рўмолча", "Беором тўлқинлар" сингари қисса ва ҳикоялари эълон қилинди, унинг сценарийлари асосида суратга олинган "Гуноҳ", "Муаллим", "Занжир" сингари бадиий филмлар намойиш этилди, ўқувчилар ва томошабинлар тилига тушди, сафимизда янги, ўзига хос, бақувват бир носир пайдо бўлаётганидан далолат берди.*

*Мирзапўлат жуда содда ёзади, қаҳрамонлари ҳам жайдари қишлоқ одамлари. Тили оддий, халқона, баъзи бир ҳамкасбларимизга ўхшаб жимжимадорликка интилмайди.*

*"Қишлоқликлар бу неъматларни йиғиб-йиғиштириб, елкаларидан тоғ ағдарилгандек енгил тортишди. Тўйлар бошланди. Кўчаларда айтувчилар кўриниб қолди.*

*— Одамларо-в, одамлар, эшитмадим деманглар. Валиникига тўйга-ов, жаппи-жамоа тўйга-ов... Зўр кураш бўларкан, Валининг тўйига Танти полвон келганмиш", деб ёзади у ва қишлоқ манзараси шундоқ кўз олдингизга келади-қўяди.*

*"Полвонлар уч марта қурни айланишиб, бир-бирига яқинлашишди. Атроф сув сепгандай жим-жит, — деб давом этади у бошқа ерда, — Юлдузлар-да, ой-да, тунда, жим: бутун борлиқ томошабин..."*

*Мирзапўлат асарларидан бунақа мисолларини кўплаб келтириш мумкин. "Майдон", "Ўтинчи бола", "Узоқ манзиллар", "Қизтепа", "Қашқа тойчоқ" сингари ҳикояларини эслайсизми, аввалдан таниш "Рўмолча", "Юракдаги сир"ними, ҳаммасига хос бўлган бир ажойиб фазилат бор. У ҳам бўлса, қаҳрамонларнинг дўлворлиги, олис Толлимаржонда ё Насафда яшайдими, сершовқин шаҳарда ё баланд тоғлар ортидами, полвонми, чўпонми, ўқитувчими, талабами, ким бўлишидан қатъи назар, ҳаммаси ҳалол, мард ва эзгу ниятли одамлар. Улар ҳаётни янада гўзаллаштириш, ўзгалар дардига малҳам бўлиш, шу юртнинг, шу табаррук тупроқнинг фарзандлари бўлганлари учун фахр-ифтихор билан яшайдиган одамлар.*

*Мен Мирзапўлат Тошпўлатовга айнан ана шундай беғубор туйғулар бундан кейинги ижодий изланишларида ҳамроҳ бўлишини тилагим келади.*

*Сезган бўлсангиз, мен юқорида Мирзапўлат асарларида учрайдиган айрим жузъий камчиликларга, хусусан, асарлари тилидаги хиёл китобий, баъзан публицистикнамо руҳ сезиладиган гаплар, ибораларга, шунингдек, "ортиқча тафсилотлардан"дан қочаман деб кўп нарсалардан кечиб юборадиган "киносценарийчилар"га хос шошма-шошарликларга тўхталмадим. Чунки буларни Мирзапўлатнинг ўзи ҳам билади, кейинги асарларида ҳисобга олади, деб ўйлайман. Сабаби, у ўзи табиатан тиниб-тинчимас, ўзига ҳам, бошқаларга ҳам талабчан ижодкор.*

*Ана шу фазилатларининг ўзиёқ дўстимнинг бундан кейин ҳам кўплаб яхши асарлари билан китобхонларни мамнун этажагига ишонтиради.*

**Эркин УСМОНОВ**

---

Асрларни бўйлаб келаётган халқ қўшиқлари ўзининг гўзал шакли, теран мазмуни, чуқур фалсафаси билан ҳамиша тингловчиларни ҳайратга солиб келган. Халқ қўшиқларидаги соддалик ва равонлик, жозиба ва жарангдор оҳанг, табиийлик ва самимийлик сўз усталари учун доимо етиб бўлмас юксаклик бўлиб келган. Халқ ўз фикрини қисқа ва лўнда, туйғуларини аниқ ва тиниқ, айни пайтда, гўзал ва таъсирчан ифодалайди.

Яқинда "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси бош таҳририятида чоп этилган "Шода-шода марварид" номли китобга халқимизнинг энг сара қўшиқлари матнлари жамланган. Китобдаги қўшиқлар матнини заҳматкаш адабиётшунос ва таржимон Эргаш Очилов тўплаб, нашрга тайёрлаган, тўпламга сўзбоши ёзган ҳамда қўшиқлар матнидаги айрим сўзларни изоҳлар билан таъминлаган.

Ҳозиргача ўзбек халқ қўшиқларининг бир неча катта-кичик нашрлари амалга оширилган эди. Бироқ куйга солиб, махсус мусиқа басталаниб санъаткорларимиз томонидан ижро этиб келинаётган қўшиқлар матни хозиргача қадар бир жилд остига жамланиб, алоҳида тўплам шаклида чоп этилмаганди. Шу жиҳатдан ҳам "Шода-шода марварид" китобининг нашр қилингани эътиборга молик иш бўлган.



Ўйлаймизки, ушбу тўпламни мутолаа қилган санъаткор ундаги бирор-бир қўшиқни аслича ёки замонавий талқинда ижро этишга интилиши табиий. Зеро, халқ қўшиғига янги ҳаёт бағишлаш билан ҳофизлар қўшиқчилигимизнинг, демакки, маданиятимизнинг янада бойишига ўз ҳиссасини қўшади. Санъат аҳли учун илҳом манбаи бўладиган мазкур тўпламдаги ажойиб қўшиқлар китобхонларга ҳам бир олам завқ бағишлаши тайин.

Ушбу нашр лойиҳасининг муаллифи Аҳрор Аҳмедов. Китобга Г.Зокирова муҳаррирлик қилган. Нашр безаклари муаллифи мусаввир М.Аъламов.

*Доимий ҳамроҳ*



Академик шоиримиз Ғафур Ғулом "Ўзбекистон шамчироғи, олмоси" дея таърифлаган, эҳтиросли санъаткор адиб Ойбек "...бу диёрда ойдин кеча ҳам ўз ҳуснини кўради", деб улуғлаган, "Юртимизнинг Эрам боғи-баҳори, Чиройингга кундуз қуёш парвона", дея куйлаган ошиқ Миртемир назари тушган Фарғона водийсидан кўплаб таниқли ижодкорлар етишиб чиққан. Яқинда Фарғона нашриётида чоп этилган адабиётшунос олим Йўлдош Солижоновнинг "Фарғона адиблари" номли рисоласига адабиётимиз ривожига ҳисса қўшган, асосан, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзолари бўлган бир гуруҳ водийлик ижодкорлар ҳақидаги мақолалар жамланган. Бу китоб Фарғона адабий муҳитини тадқиқ этиш йўлидаги илк қадамдир.

Зеро, фарғоналик адиблар мамлакатимиз адабий жараёнида ўз овози ва созига эгалиги билан ажралиб турадилар. Рисола муаллифи уларнинг ҳар бирининг ўзига хос ижодий қиёфасини очишга ҳаракат қилган. Китобда забардаст шоир ва адиблар — Ўзбекистон халқ шоири Чархий, романнавис Исҳоқ Содиқов, Адҳам Ҳамдам, Анвар Муқимов, Охунжон Ҳакимов, Йўлдош Сулаймонлардан бугунги навқирон авлод вакиллари Ғулом Фатҳиддин, Баҳодир Исогача бир неча авлодга мансуб ижодкорлар ҳақида маълумотлар жамланган.

Ўзбекистон Қаҳрамони Саид Аҳмад китобга ёзган сўзбошида таъкидланганидек, ундаги ҳар бир ёзувчи ва шоир ҳақидаги мақола самимият билан ёзилган. "Китобни ўқиган ўқувчи фарғоналик адибларни севиб қолади ва улардан ҳар бирининг ўзбек адабиётидаги ўрнини билиб олади".



БРАЗИЛИЯ — ХОРВАТИЯ — 1 : 0
ИСПАНИЯ — УКРАИНА — 4 : 0

# ШВЕЙЦАРИЯ — ЎЗБЕКИСТОН...

## *ШУНДАЙ БЎЛИШИ МУМКИН ЭДИ*

Ҳар гал, жаҳоннинг энг кучли футбол жамоалари янги чемпион ким бўлишини аниқлаш учун майдонга тушганларида, ўйинлар бошланиши анча аввал мутахассислар, мухлислар турфа хил башоратларга бериладилар. Қайси жамоанинг имконияти қандай, ким ғолиб бўлади, ким қанча тўп уради ва ҳоказолар тўғрисида фикр билдирмаган, баҳсга киришмаган киши қолмайди ҳисоб. Аммо дастлабки учрашувлар натижалариёқ бундай тахминларнинг кўпини чиппакка чиқаради.

Жаҳон биринчилигида, шубҳасиз, кутилмаган воқеалар юз беради. Ёш бир жамоа фавқулодда чиройли ўйин кўрсатиб, номдор жамоанинг попугини пасайтириб қўяди. Ё аксинча, башоратларда совриндор бўлиши айтилаётган командадан омад юз ўгиради. Бир гал французлар билан айни шундай бўлган эди. Бошқа бир гал камерунликлар бугун мамлакатимиз терма жамоасига бошчилик қилаётган Валерий Непомняший раҳбарлигида Европанинг энг номдор жамоаларига қарши тўп суриб, ғалабага эришганини, уларнинг шиддатига италияликлар ҳам дош бера олмаганини яхши эслаймиз.

Бу галги жаҳон биринчилиги ҳам ана шундай "тасодиф"лардан холи бўлмади. Дастлабки учрашувда майдон эгалари билан юзма-юз келган коста-рикаликлар, гарчи икки тўп фарқ билан (4:2) ўйинни бой беришган бўлишсада, маҳорат бобида унча-мунча жамоадан қолишмасликларини намойиш қилишди. Улар иштирокидаги кейинги учрашувлар янада қизиқарли ўтиши тайин.

**Полша – Эквадор** учрашувида ҳам деярли шундай ҳолат юз берди. Европа майдонларида тинимсиз тўп суриб, катта тажриба тўплаган полшаликлар у қадар кўзга ташланмайдиган рақибларини енга олмадилар. Учрашувнинг сўнгги дақиқаларида дарвоза устуни икки марта эквадорлик футболчиларнинг жонига оро кирди.



**Мексика – Эрон** учрашуви бениҳоя кескин кечди. Мутахассислар томонларнинг имкониятларини турлича баҳолашаётган эди. Аммо майдонда деярли тенг кураш борди. Эронликлар вазмин, ҳисоб-китобли ўйин намойиш этишди. Эронлик ҳимоячининг хатоси ўйин тақдирини мексикаликлар фойдасига ўзгартириб юборди – 3 : 1.

Айни шу ўйинни кузатиб бораётган мутахассислардан бирининг фикрича, ўйинда ҳисоб қандай бўлишидан қатъи назар, ўйинчилар мураббийлар штаби белгилаган тактика асосида тўп суришлари керак. Афсуски, эронлик футболчилар бунга амал қилишмади.

**Англия – Парагвай** учрашувида инглизлар 1 : 0 ҳисобида ғалаба қозондилар. Ғалаба туфайли инглиз ишқибозлари бу галча ўзларини вазмин тутишди, шаҳар кўчаларида деярли тартибсизлик бўлмади. Бу ўйин ҳақида шуни айтиш зарурки, Англия термаси нимага қодир эканлигини ҳали намойиш этиши керак. Чунки дастлабки учрашувдаги ягона тўпни улар эмас, парагвайлик ўйинчи ўз дарвозасига йўллади.

**Швеция – Тринидад ва Тобаго** учрашувини томоша қилган мухлислар ҳақиқий футбол жангига гувоҳ бўлдилар, десак муболаға бўлмайди. Бу учрашувдаги дуранг ҳисоби ҳар икки томон учун ҳам деярли ғалабадай гап бўлди.

Мазкур ўйин **Швеция – Ўзбекистон** жамоалари ўртасида бўлиши ҳам мумкин эди. Агарки биз Баҳрайнни, ундан кейин эса аҳолиси бор-йўғи бир ярим миллион киши бўлган Тринидад ва Тобаго футболчиларини ютганимизда худди шундай бўларди. Бу митти мамлакат футболчилари ўйинини кўриб, э хайрият-е, ютмаганимиз ҳам дуруст бўлган экан, деб юборгинг келади. Ана ўйину ана маҳорат. Худо хоҳласа, кейинги жаҳон чемпионатида биз ҳам бир ўйин кўрсатайликки...

**Аргентина – Кот-д-Ивуар** учрашувини томоша қилган ишқибозлар аргентиналикларнинг рақибларини кўпроқ олқишлашди. Чунки улар «Чэлси» жамоасида тўп сураётган Дрогба бошчилигидаги жамоанинг чиройли, мазмунли ўйинидан қониқишди. Бу жамоа ҳам ҳали кўп шов-шувлар келтириб чиқариши эҳтимолдан холи эмас.



**Голландия – Сербия-Черногория** учрашувида дарвозаларга атиги битта тўп киритилди: 1:0. Шуни айтиш кераки, Черногорияда ўтказилган умумхалқ референдуми якунларига кўра бу мамлакат ўз мустақиллигини эълон қилиб, Сербия таркибидан чиқишга улгурган бўлса-да, футболчилар ҳозирча «жанг» майдонида биргаликда ҳаракат қилишмоқда.

Португалияликлар дастлабки учрашувни собиқ колониялари – анголалик чарм тўп усталари билан ўтказишди. Ўз сафида Фигу, Роналдо каби номдор ўйинчилари бўлган португалияликларга, кимсан, бразилиялик машҳур тренер Филиппо Сколари устозлик қилади. Ўз вақтида бразилияликлар айни шу мураббий раҳбарлигида яна бир бор жаҳон чемпиони бўлишгани ёдимизда. Шунга қарамай, анголаликлар рақибларига муносиб қаршилик кўрсатишди. Ўйин тақдирини тўртинчи дақиқада киритилган ягона тўп (Паулета) португалияликлар фойдасига ҳал қилди. **Австрия – Япония** учрашувида эса 3:1 ҳисоби қайд этилди.

**Бразилия – Хорватия** ўйинини (1:0) бемалол жаҳон биринчилигининг энг чиройли учрашуви деб ҳисоблаш мумкин. Ҳар икки жамоа 90 минут давомида ўзига хос маҳорат спектаклини намойиш этди.

**Испания – Украина** учрашуви олдидан мутахассислар ҳар икки томоннинг имкониятларини деярли тенг баҳолашган эди. Олег Блохин бўлса журналистлар билан мулоқотларида анча калондимоғлик қилди. Аммо натижа бутунлай бошқача бўлиб чиқди. Украиналиклар қақшатгич зарбага учрадилар – 4:0.

Майдон эгалари – немис футболчилари иккинчи учрашувда полшаликларни мағлуб этиб, олти очко билан кейинги босқичга чиқишни деярли нақд қилиб қўйган бўлсалар, полшаликлар қийин аҳволга тушиб қолишди.

**Тунис – Саудия Арабистони** учрашувида 2:2 ҳисоби қайд этилди.

Шарҳимиз якунида шуни айтишимиз керакки, Телерадиокомпаниямизнинг "Спорт" канали ижодий жамоаси Германиянинг яшил майдонларида бўлиб ўтаётган спорт беллашувларини тўғридан-тўғри эфирга узатиб, малакали тарзда шарҳлаб беришда астойдил меҳнат қилмоқдалар. Уларнинг машаққатли меҳнатини эътироф этган ҳолда айрим шарҳларда бевосита ўйин тафсилотидан кўра ортиқча сўзамоллик устунлик қилаётганини ҳам айтиб ўтишимиз жоиз. Умумий факт ва рақамлар шу қадар кўп келтириладики, бундан томошабин чарчаб кетади. Хусусан, Германия – Коста-Рика учрашуви шарҳида шундай бўлди. Биринчи таймнинг 30-34 минутларида майдонда давом этаётган ўйин ҳақида бир сўз ҳам айтилмади. Тажрибали шарҳловчи ҳамкасбимизнинг нутқида сўз ва ибораларнинг ноўрин ишлатилиши ҳам дуруст эмас.

Мисоллар келтирамиз: "Тўпни дарвозага қайтаришга муваффақ бўлди", "ўйиндан ташқари ҳолатга тушиб улгурган эди" (36-минут), "Германияликларнинг ҳужуми бесамар (?) кетди» (36-минут), "Навбатдаги ҳужум бесамар ("Самарасиз" демоқчи) кетганлигининг гувоҳи бўлдик", "Тўпни жарима майдонига йўналтиришга муваффақ бўлди" (37 минут), "Тўп қўлига текканига ишонч ҳосил қилиб улгурдик" (39-минут), "Коста-рикаликлар тўпни ўзларида сақлаб қолишга муваффақ бўлдилар" (44-минут), "Бироздан кейин жамоалар танаффусга равона (?) бўладилар» (45-минут), "Мезбонларнинг навбатдаги уриниши бесамар кетди" (55-минут), "Тўпни эгаллаб олишга муваффақ бўлди" (56-минут) ва ҳоказолар. Умуман, футбол шарҳлари давомида «муваффақият" сўзи шу қадар кўп такрорланадики, томошадан кўнглинг совиб ҳам кетади.

Учрашувлар қизғин паллага кирмоқда. Чиройли натижалар, мазмунли шарҳлар ҳали олдинда.

**М.АҲМЕДОВ**

## *Ўзим ўқийман*

### КАПАЛАК

**Қўлимдаги капалак,**
**Қанотлари тилладан.**
**Аслин олсак бу жонзод,**
**Учиб чиққан пилладан.**

### КОПТОК

**Дадам менга бир куни**
**Совға қилди зўр копток.**
**Ухламасдан кун-туни,**
**У менга бўлди эрмак.**

**Коптогим тез ёрилди,**
**Тупроқ билан қорилди.**
**Йиғласам, дадам кулди,**
**Бу менга алам қилди.**

**Копток билан банд бўлиб,**
**Дарсларим барбод бўлди.**
**Копток ёрилган куни,**
**Менинг дадам шод бўлди.**



### ТАБИАТ

**Ёзиб қирларга гилам —**
**Майса ўстирди кўклам.**
**Ёз мевага берар таъм,**
**Саховатли табиат.**

**Ранглари мўъжаз, тиниқ,**
**Феъли, атвори қизиқ,**
**Гоҳ совуқ, гоҳо илиқ**
**Тароватли табиат.**

**Майса тўшаб ҳар жойга,**
**Бас келар чангу лойга,**
**Мафтун боқаман сойга,**
**Малоҳатли табиат.**

**Шоира САНЪАТОВА**

## *Эътироф*

# АНГЛАШ

Болалигимда эшитган эртакларимда учта йўл бўларди. Борса келар, борса гумон, борса келмас. Уч оға-инилар омадларини синаш учун ҳаёт йўлларини мана шу жойдан бошлашарди. Ва кўпинча борса келмасга кетган кенжа ботир ниятига етиб, отасининг орзусини амалга оширар, «йўлдан» адашган иккала акасини ҳам ёнига олиб, уйига қайтарди...

Миллий театр саҳнасида қўйилган Ўзбекистон халқ шоири Усмон Азимнинг «Бир қадам йўл» пиесасини кўпчилик томоша қилган. Мен ҳам уни биринчи бор кўрганимда боғбон отасининг истагини наҳотки уч ўғилдан биронтаси ҳам рўёбга чиқармаса, деган ташвиш қалбимни ўртаган эди. Спектакл давомида юрагим гоҳ қафасдан учиб чиққудай талпинар, гоҳ сокинлашиб, кейинги жараённи кутарди.

Албатта, ҳар қандай яхши асарни томошабин юрагига етказа олиш, бадиий яхлитликни ҳосил қилиш театр жамоасининг фаоллигига, актёрлар маҳоратига боғлиқ. Ушбу томошада барча компонентлар — янги режиссёрлик ечими ва актёрлик маҳорати, рассомлик ва бастакорлик ишларининг уйғунлиги яққол кўринади.

Спектакл бошида ота бир туп кўчатни саҳна олдига олиб келиб қўяди ва воқеаларнинг якунига қадар у шундай эътиборсиз ҳолда ётади. Уни экиб қўядиган, эътибор қаратадиган одам топилмайди. Невара келиб, бобосини Самарқанд зиёратига олиб кетаётганида ўша кўчат ерга қадалади. Ўша оддий кўчат ҳам бир рамз, орзудир. Уни яна қандай тушуниш, шарҳлаш томошабинга ҳавола этилган. Режиссёрнинг бу каби фикрлашга ундовчи, ўйлашга мажбур этувчи топилмалари эътиборга моликдир.

Спектакл жараёнида шуни англаймизки, боғбон ота уч ўғил ўстиради. Уларни тарбиялаб вояга етказади, баъзиларини уйлантиради. Ота доимо ўғилларидан Самарқанд зиёратига олиб боришни сўрайди. Болалари эса «Ана, Самарқанд бир қадамку, бугун бўлмаса, эртага албатта олиб борамиз», деган пуч ваъдалар билан отанинг кўнглини тўқлайди. Лекин ўзларига тўқ бу ўғиллар отанинг орзуини рўёбга чиқариш учун вақт ажратишмайди...

Спектакл сўнгида тим қоронғи ҳовлида қуриган дарахтлар ёнида турган фарзандлар кўрсатилади. Боғбон ота кўчатларни парвариш қилди-ю, бу кўчатлар қуёш нуридан узоқда, сояда ўсди. Сояда ўсган дарахт... Фарзандлар ҳар қанча парвариш қилишмасин, кўнгилдагидек мева бермайди. Гўё чолнинг ўтган умри беҳуда эди.

Муаллиф асарда ижтимоий муаммоларга, тарбиявий аҳамияти юксак масалаларга эътибор қаратган. Томошабинни мушоҳада, муносазарага чорловчи бу саҳна асари ҳаёт ҳақиқатларини яна бир бор эслатади, турмушда учраб турадиган оилавий можароларнинг туб илдизларига урғу беради.

Театрдан чиқаётиб, барча томошабинлар қатори англаш азобини ҳис этгандай бўлдим. Хатоларимизни, айбларимизни англаш изтироби. Мана шу изтиробни томошабинга юқтира олган саҳна асари театр жамоасининг ютуғидир.

**Эътибор НОРБЎТАЕВА**

## *Соғлигинг — бойлигинг!*

# ФИКР КУЧИ БИЛАН МУОЛАЖА

Фикр кучи билан бутун танани умумий массаж қилиш саломатлик учун жуда катта самара беради. Бундай муолажа туфайли барча аъзоларнинг тўқималари бардам ҳолга келади. Бу эса аъзои баданимизнинг соғломлиги учун ўзига хос муҳит яратади. Атиги бир марта бундай ҳолга келган организм қайта-қайта шу ҳолатга интилади. Шу тариқа биз ўз организмимизга соғломлик намунасини кўрсатамиз, сўнг эса аъзои баданимиз ўзи учун хуш ёққан бундай ҳол барқарор бўлишига мунтазам равишда интилади. Организм ботинидаги ҳаётбахш қудрат шу тарзда уйғонади ва пировардида табиий равишда ўзи саломатлигимиз учун кураша бошлайди.

Бу муолажани муваффақиятли тарзда амалга оширмоқ учун ўзингизда яхши кайфият уйғотиб, бунёдкор ҳолатга киришингиз, ўзингиз ва атроф-муҳитга хушдиллик ва хуш нигоҳ билан боқишингиз зарур бўлади.

Тўғри ўтириб, қўлларингизни тиззалар устига қўясиз. Кўзни юмиб, оёқ юзаси-кафтларни полга зич босасиз. Барча мушаклар зўриқмаган ҳолда бўш ва эркин бўлмоғи лозим. Бутун диққат-эътиборни ўнг оёқ кафтига жамлаб, иссиқ ҳарорат ҳосил бўлганини тасаввур этиш зарур. Сўнгра аста-секин эътиборни иссиқ ҳарорат ҳис этиш тасаввури билан бирга тизза бўғинларига, ундан бел ва тос бўғинлари ҳамда думғаза томон қаратамиз. Бу жойдан иссиқлик оқимининг умуртқа бўйлаб ёйилиши, ундан ўнг елкага ўтиши, ўнг қўл бўйлаб тирсак ва бармоқлар учига етиб боришини тасаввур этинг. Сўнгра яна эътиборни ўнг қўлдан ҳароратни ҳис этиш орқали юқорига — аввал тирсакка, сўнг ўнг елка бўғинлари ва ўнг ўмров ҳамда ўнг куракка йўналтирамиз. Кейин шу жараённи бузмасдан диққатни чап ўмров ва чап куракка йўналтирамиз. Барча ҳаракатларда ҳарорат оқими узилмаслиги зарур. Диққат-эътибор бу аъзолардан чап елкага ва ундан чап қўл бўйлаб пастга — чап тирсак ва бармоқ учларига қаратилади.

Сўнгра диққатимизни чап қўл юқориси томон ортга қайтариб, чап тирсак ва елка бўғимлари орқали умуртқага йўналтирамиз. Диққат ва ҳарорат биргаликда умуртқадан қуйига ўтади. Сўнг чап бел-тос бўғимларига ўтасиз, ҳароратни бу аъзолардан чап оёқ тиззаси бўйлаб қуйига, товон, чап оёқ юзаси ва бармоқ учлари томон йўналтирасиз.

Кейин эътибор ва ҳарорат чап оёқдан чап бел-тос бўғимлари ва ундан ўнг бел-тос бўғимларига ўтказилади. Ундан ҳарорат ҳис этиб турилган ҳолдаги эътиборни ўнг оёққа қаратиб, ўнг тизза ва ўнг оёқ кафти юзасига ва бармоқ учларига қадар олиб келамиз. Шундан сўнг ҳароратнинг ўнг оёқ панжалари орқали ташқарига чиқиб ёйилиб кетиши ёки ерга сингиши фикран буюрилади.

Энди фикримизни ўнг оёқ кафти сари жамлаб, унинг барча томонлар сари пайдар-пай пулсланиши, яъни бир маромда кичрайиб-бужмайиши ва яна қайтадан кенгайиб-ёйилиши учун буйруқ берамиз. Сўнг бу сезгиларни ўнг оёқнинг болдир бўғимларига кўчирамиз ва унинг қандай пулсланишини ҳис этамиз. Бу вазиятни оёқнинг тизза бўғимларида ҳам такрорланг. Фақат бу жойда пулсланиш мароми бироз кўпроқ муддат давом этишига эришинг. Сўнг ўнг оёқ сони, думба ва думғаза, ундан кейин умуртқанинг белга туташ қисми, кўкракнинг қуйи ва юқори қисмлари ва бўйинда пулсланиш ҳосил қилинг, бўйиндан ўнг елка бўғинлари сари ўтганда пулсланиш узоқроқ муддат бўлгани яхши. Ўнг қўлнинг елкага туташ жойи ва тирсак оралиғида, тирсакда (бу жойда ҳам бошқа бўғимларда бўлгани каби бироз кўпроқ), ўнг билак, панжа ва бармоқларда пулсланиш ҳосил қилинади. Шундан кейин фикрни ва пулсланиш ҳолатини яна ўнг қўлнинг шу аъзолари бўйлаб ортга йўналтиринг. Сезгиларни ўнг елка мушаклари бўйлаб ўнг ўмров ва ўнг куракдан чап ўмров ва чап куракка ўтказамиз. Бу жойда пулсланиш вақти бир оз кўпроқ бўлгани яхши. Шундан сўнг фикр кучини чап елкага, ундан чап тирсак мушакларига (бу жойда ҳам бироз кўпроқ), чап билак ва чап билак бўғимлари ҳамда панжа ва бармоқлар сари йўналтиринг.

Шундан сўнг муолажа машқлари кетма-кет изчилликда, чап қўл аъзоларидан бирма-бир ўтиб, умуртқа ва бўйинда, кўкракнинг қуйи ва юқори қисмларида, бел, думғаза, дум бўғимларида бажарилади. Бу жойдан чап бел-тос бўғимларига ўтиб пулсланишнинг узоқроқ давом этишига эришинг. Сўнг яна чап оёқ сони ва тизза бўғимлари (бу жойда ҳам пулсланиш кўпроқ бўлгани маъқул), болдир, чап оёқ юзаси ва бармоқларгача боринг.

Муолажани яна ортга қайтиб давом эттиринг: чап оёқдан юқори кўтарилиб, чап бел-тос бўғимларида сезгиларни ҳис этинг. Бу жойдан фикр кучи ўнг бел-тос бўғимлари ва ундан ўнг оёқ бўйлаб пастки аъзолар — товонгача қаратилади ва шу жойда пулсланиш аста-секин тугайди.

Фикр кучингизни бир жойга шундай жамлангки, токи диққатингиз ўзга фикр ва сезгиларга асло чалғимасин. Аъзои баданингизнинг ҳар бир қисми пулсланишни аниқ ҳис этишига эришмоқ керак. Бундай фикр кучи билан соғломлаштириш муолажасидан сўнг бирданига ўзингизни бардам ҳис эта бошлайсиз ва бутун аъзои баданингиздан куч ёғилиб, сизни хотиржам хуш кайфият чулғаб олади. Организмдаги хуш ва нохуш кучлар мувозанати тикланади, энергия оқимида мутаносиблик ва уйғунлик вужудга келганини ҳис эта бошлайсиз. Бутун тана бўйлаб саломатлик ўзининг мустаҳкам мавқеини эгаллай бошлайди.

**М.ЭШМУРОДОВ тайёрлади.**

## Дунё–кенг...

### ШЕЪР ЁДЛАНГ — ҚАРИМАЙСИЗ

**Юз йил умр кўриб ҳам ақлни тийрак ва хотирани бус-бутун сақлашга нима етсин. Бундай имкониятни, ҳатто айтиш мумкинки, бахтни орзу қилмайдиган одам топилармикан?! Бироқ етмиш-саксон ёшида ўзини ҳам жисман ва энг муҳими, ҳам ақлан, руҳан бардам-бақувват сақлай олиш камдан-кам кишиларга насиб этади. Бу ёшлардаги дардларнинг энг ёмони ақлнинг, хотиранинг сусайиб қолишидир. Ҳозиргача бу дарднинг давоси йўқ, уни даволайдиган, яъни ақл ва хотиранинг заифлашиши олдини оладиган малҳам яратилмаган, деб келинарди. Петербургдаги Мия институти олимлари олиб боришган изланишларда эришилган натижалар медицинада Альцгеймер, деб аталувчи хасталикнинг олдини олиш мумкинлигини кўрсатмоқда.**

Мутахассислар фикрига қараганда, миянинг бир меъёрда ишлатиб турилмаслиги кишининг кексайганда ақли сусайиб, хотираси йўқолиб боришига сабаб бўларкан. "Миянинг ишлатилиши", деганда фақат ўйлашни, фикрлашни тушунмаслик лозим, балки навқирон йилларидагидек, кексайганда ҳам одам мияси фаол ақлий таҳлилларга, муттасил фикрлаш жараёнларига тортилиши лозим.

Медицинага доир адабиётларда ёш ўтиши билан боғлиқ равишда ақл ва хотиранинг сусайиши жараёни ўртача эллик-эллик беш ёшларда бошланиши айтилади. Бироқ бу жараён шу ёшларда ҳаммада содир бўлади ва бир хил кечади, дейиш қийин. Хусусан, Мия институти ходимларининг ўттиз йил мобайнида олиб боришган тадқиқотларида аниқланишича, айрим одамларда 80-90 ёшда ҳам мия фаолияти кўрсаткичлари ёшларникидан деярли фарқ қилмаган. Айниқса, ўзи яхши кўрган касби билан машғул бўлган, меҳнатидан завқланадиган, мияни "тўла қувват билан" ишлатадиган кекса кишиларда ақлий сусайиш ва хотиранинг заифлашуви деярли кузатилмаган. Бундай имконият кўпроқ ижод кишиларига хос.

Киши ўз баданини жисмонан қандай тарбиялашни билади. Бироқ мияни машқ қилдириш камдан-кам одамга маълум. Мияни машқ қилдириш мумкин ва бу жуда зарур машғулот. Чунки қарилик туфайли ақлнинг сусайиши атеросклерознинг ривожланиши билан бир пайтда бошланади. Маълумки, артеросклероз томирларда қон юриши меъёрининг бузилиши оқибатида бош мия қобиқларида қон айланишининг ёмонлашувидан келиб чиқади.

Яқин-яқинларгача ёш билан боғлиқ ақл ва хотиранинг сусая бошлашини вақтида илмий жиҳатдан аниқлашнинг имкони йўқ эди. Россиялик олимларнинг бу соҳадаги изланишларида қўлга киритган ютуқлари ана шу имкониятни яратди. Улар кашф этган энцефалограмма ёрдамида мия фаоллигининг биоэлектрик ўзгаришига қараб ёш билан боғлиқ фикрий қобилиятнинг сусайишини ўн йил олдин айтиб бериш мумкин.

Россиялик мутахассисларнинг фикрича, бундай имкониятдан кенг кўламда фойдаланишга ҳозирча шароит йўқ, яъни замонавий асбоб-ускуналар қиммат, бунинг устига, тажрибали, билимли мутахассисларни тайёрлаш учун ҳам озмунча маблағ талаб этилмайди. Ваҳоланки, деярли ҳар бир одам ёши ўтиши билан дуч келиши мумкин бўлган бу хасталикни ўз вақтида даволаш ҳозир жаҳон медицинасида долзарб бўлиб турган вазифалар сирасидандир. Чунки кейинги ўн йилликлар давомида аксарият мамлакатларда ўртача умр кўришнинг ошиши билан кекса ёшдаги аҳоли сони тез кўпайиб бораётир. Ваҳоланки, атиги XIX асрда ҳам одамлар ҳозиргидай узоқ умр кўришмаган. Дарвоқе, Лев Толстой "Уруш ва тинчлик" романида "...тўшакда 54 ёшли қари киши ётарди", деб бежиз ёзмаганди. Ҳозир эса бу ёшдагиларни қари, деб айтишмайди, балки бу эндиликда инсоннинг энг фаол бўладиган ёши ҳисобланади. Шундан келиб чиқилса, демак, аждодларимиз ақл ва хотираси сусайиб қоладиган ёшгача яшашмаган.

XX аср ва ҳозирги XXI аср инсониятга узоқ умр кўриш имкониятларини яратиб берди ҳамда бу имкониятларни янада кенгайтираётир. Улардан "юз фоиз" фойдаланиб, кексайган чоғда ҳам ақлан бардам-бақувват, зийрак ва ўткир мушоҳадали бўлиб яшаш ҳар кимнинг ўзига боғлиқ. Мия фаолиятининг сусайиши, хотиранинг заифлашиши, Альцгеймер хасталигининг олдини олиш учун олимлар энг оддий машқларни бажаришни таклиф этишади: шеърларни, насрий асарлардан парчаларни ёдланг, шахмат ўйнашни канда қилманг, жуда бўлмаса кроссворд, чайнвордлар ечиб туринг.

***Ушбу белги остида эълон қилинаётган мақолалар Ўзбекистон мустақил оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди ҳомийлигида тайёрланган.***

МУАССИСЛАР: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ВА СПОРТ ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ, ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ
* * *
НОШИР: "ШАРҚ" НАШРИЁТ-МАТБАА АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ
ҲОМИЙ: "МАТБУОТ ТАРҚАТУВЧИ" АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ

O'zbekiston adabiyoti va san'ati

Манзилимиз: Тошкент — 700083, Матбуотчилар кўчаси, 32
Қабулхона — 133-52-91, котибият — 136-56-50
*Танқид ва адабиётшунослик бўлими: 133-49-93 Ижтимоий ҳаёт бўлими: 136-58-55*
*Санъат бўлими: 136-56-48 Назм ва наср бўлими: 136-56-48*

Бош муҳаррир Аҳмаджон МЕЛИБОЕВ

*Редакцияга келган қўлёзмалар таҳлил этилмайди ва муаллифларга қайтарилмайди.*
*Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.*
Навбатчи муҳаррир — Гулчеҳра УМАРОВА
Саҳифаловчи — Байрамали МУҚИМОВ

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси.
Босишга топшириш вақти — 20.00. Босишга топширилди — 21.00.

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 058-рақам билан рўйхатга олинган. А — 3722. Буюртма Г — 849. Ҳажми — 5 босма табоқ. Нашр кўрсаткичи — 222. Ташкилотлар учун — 223. 1 2 3 4 6

ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ.
СОТУВДА НАРХИ ЭРКИН